

**АБДУХАЛИЛ МАВРУЛОВ**

**МАЪНАВИЙ  
БАРКАМОЛ  
ИНСОН ТАРБИЯСИ**



**ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKISTON»  
2008**

87.77  
М 13

Н 1Мч7  
М 13

Ушбу рисола маънавий баркамол авлод тарбияси масалаларига бағишланган бўлиб, унда мамлакатимизда ёшлар тарбияси, уларда ўзининг «мени»га эга бўлиш ҳамда жамиятга муносиб шахс бўлиб шаклланишларига алоҳида эътибор берилаётганлиги, бундай жараённинг шаклланиш механизми ва эволюцияси маълум даражада ўз аксини топган.

Шунингдек, ёшлар маънавий эҳтиёжини шакллантириш зарурати, ёшлар маънавий барқарорлигини таъминлашда ўзбек миллий-маданий меросининг ўрни, ёшлар маънавиятини шакллантиришда тарихий хотиранинг ўрни каби масалаларга эътибор берилган. Рисола зиёлилар, талабалар ва барча қизиқувчиларга мўлжалланган.

Ю 35112  
293

ПОДР.

2009/24  
7250

Alisher Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston MK

ISBN 978-9943-01-330-8

© «O'zbekiston», 2008

## КИРИШ

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-мафкуравий ҳаётида мисли кўрилмаган катта ютуқларга эришилди. Ижтимоий ҳаётда рўй бераётган ва кучли илмий асосда олиб борилаётган ислохотлар миллат, мамлакат ва Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси манфаатларини кўзлаб олиб борилаётганлиги учун ҳам эътиборли бўлмоқда.

Эришилган муваффақиятларнинг энг залворлиси, сўзсиз, шахс тафаккуридаги сифат ўзгаришлари бўлди. Ҳозирги кишилар бундан 15—20 йил аввалгиларидан фарқ қилади. Аввалгилар «юқори»нинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришга «доимо шай» турган, ижтимоий сушт, маълум маънода теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисаларни четдан туриб кузатишга мойиллик сезган бўлсалар, энди бу сифатлар мутлақо ўзгарди. Мамлакатимизнинг ҳозирги фуқароси ижтимоий фаоллигини, сиёсий маданияти ва ҳуқуқий билимини оширишдан манфаатдор, ўзида бепарволик ва лоқайдлик иллатларини йўқотишдан наф кўрадиган шахсга айланмоқда.

Халқимиз, айниқса, ёшларимиз мамлакатимизда барпо этилаётган жамият — ҳуқуқий, инсонпарвар, демократик давлат талабларига мутаносиб равишда ўзларини ривожлантиришга устувор аҳамият бермоқдалар. Бундай жараёнда, айниқса, маънавият масаласига кенг эътибор қаратилмоқда. Маънавият жамият фуқаролари, айниқса, ёшларни эски тузум асоратларидан халос этувчи, шахсни тарбияловчи, уни уюштирувчи, мақсад йўлида бирлаштирувчи буюк кучга айланиб бормоқда.

Маънавият — ўзбек халқининг буюк келажак сари ташлаётган залворли қадамини янада салобатлироқ қилмоқда. Жамиятнинг, ижтимоий ҳаётнинг бирон-бир соҳаси йўқки, у маънавият, маънавий юксалиш билан уйғунлашмаган бўлсин. «Менинг назаримда, — дейди И. Каримов, — «маънавият» тушунчаси жамият ҳаётидаги гоёвий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этади. Шунинг учун ҳам бу мавзуда фикр юритганда, мазкур қарашларнинг барчасини умумлаштириб, кенг маънодаги «маънавият» тушунчаси орқали ифода этиш мумкин»<sup>1</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, маънавият жамиятнинг барча жабҳаларига, миллат ва мамлакат келажаги ҳамда тақдирига тегишли қадриятга айланди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда маърифатли жамият барпо этиш масаласи энг долзарб вазифалардан бири сифатида кун тартибига қўйилган.

Шубҳасиз, маърифатли жамият барпо этиш бир қанча омилларга боғлиқ бўлади.

*Биринчидан*, шундай жамият барпо этишда фуқароларнинг мазкур жараёнда иштирок этиш масаласидир. Кишилارимиз онгида мустақиллик йилларида содир бўлган ўзгаришлар уларнинг маънавий-маърифий жараёни тўлиқ англаб етишига ҳамда унда фаол иштирок этишига имкон бермоқда.

*Иккинчидан*, давлат томонидан бундай жамият барпо этишнинг маънавий ҳамда ҳуқуқий асосининг яратилганлигидир.

Шу нарсага ҳам эътибор бериш лозимки, сўнгги пайтларда мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий жараёнлардан аҳолининг қониқиш даражаси ортиб бормоқда. Баркамол авлод, инсон шахсининг камол топишида миллий, умуминсоний қадриятлар уйғунлигини эътироф этиш, тарихий хотирани тиклаш, ўз шахсий манфаатлари билан жамият манфаатлари уйғунлигини эътиборга олиш, жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан лоқайдлик, бепарволикни йўқотиш — буларнинг бари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. 20-бет.

Янги жамият барпо этиш, баркамол авлодни тарбиялашда юксак маънавий фазилатларнинг устуворлигини таъминлашга ҳам алоҳида диққат қаратилмоқда. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўров маълумотларига кўра, Ўзбекистон фуқароларининг 73,1 фоизи шахснинг камол топишида, умуминсоний қадриятлар шаклланишида юксак маънавий фазилатлар муҳим аҳамиятга эга, деб билади. Бунга, авваламбор, меҳр-мурувват, катталарга ҳурмат, меҳмондўстлик, сахийлик, дўстона муносабат, ҳалоллик, камтарлик, меҳнатсеварлик каби тушунчалар киради.

Сўровда иштирок этганларнинг кўпчилик қисми, яъни 86,7 фоизи қадриятлар тизими асосини авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий анъана ва урф-одатлар ташкил этишини қайд этганлар. Жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида ўтказилган сўров натижасида Ўзбекистон аҳолисининг умуминсоний ва миллий қадриятлар шахснинг маънавий фазилатлари билан чамбарчас боғлиқ, деган фикри аниқланди<sup>1</sup>.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг ҳозирги даврида ёшлар тарбиясига эътибор тобора кучайиб бормоқда. Бунинг қатор сабаблари борки, уларни маънавий-маърифий, ахлоқий-мафкуравий ишда эътиборга олмаслик мумкин эмас.

*Биринчидан*, мамлакатимиз том маънода ёшлар мамлакати ҳисобланади. Ёшларнинг ижтимоий-маданий эҳтиёжини қондириш, юксак маънавий-мафкуравий билимини шакллантириш ҳозирда жуда зарур бўлиб қолмоқда.

*Иккинчидан*, дунё тобора глобаллашиб бормоқда. Дунёнинг турли бурчакларидан «оммавий маданият» деб номланган ҳодиса бизнинг юртимизга ҳам кириб келмоқда. Президентимиз И. Каримов таъкидлаганидек, «оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик,

---

<sup>1</sup> «Тошкент оқшоми», 2008 йил 24 июль.

уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди»<sup>1</sup>.

Айрим ёшларимизда бундай «маданият»га берилувчанлик кайфиятлари йўқ эмас. Қолаверса, дунё глобаллашуви — табиий жараён. Унинг яхши, ибратли томонлари ҳам йўқ эмас. Кучли ахборотлашув, маълумотлар оқими зўрайган ҳозирги даврда фақат ҳиссиётга эмас, балки, ақлга суянган ҳолда иш тутишига ёшларимизнинг адашмасдан ўз йўлини топишига имкон бериши мумкин.

*Учинчидан*, мамлакатимиз мустақиллик йилларида жуда катта, залворли ютуқларга эришганига қарамадан айрим фуқароларда, асосан, аҳолининг катта ёшдаги маълум қисмида ўтмишни қўмсаш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Бу нарса ёшларимиз маънавий қиёфасини шакллантиришга халақит қилмоқда. Демак, ёшлар тарбияси айна пайтда ўзини «ривожлантириш»га эҳтиёж сезмаган айрим катта ёшдагилар тарбияси билан ҳам ҳамоҳангдир.

*Тўртинчидан*, ёшлар маънавиятини шакллантириш уларнинг тафаккур тарзини бойитиш билан бевосита боғлиқдир. Ҳар бир ёш йигит-қиз ўз шахсий режасини жамият ижтимоий мўлжали билан уйғунлаштирмас, ижтимоий фаоллик даражасини оширмас экан, бундай ҳолда тафаккур эврилиши ҳақида гапиришнинг фойдаси йўқ. Қолаверса, ёшлар ҳуқуқий саводхонлигини оширмасдан туриб, уларнинг маънавий дунёсини бойитиш ҳам мумкин эмас.

*Бешинчидан*, ҳозирги дунёда қадриятлар трансформацияси содир бўлмоқда. Илгари биз учун муқаддас ҳисобланган айрим қадриятлар ўз умрини яшаб бўляпти. Янги замонавий қадриятлар юзага келмоқда. Уларни эътиборга олмаслик ҳозирги мураккаб мафкуравий муҳитда ёш йигит-қизда ўзининг «мен»ини йўқотишига олиб келиши мумкин. Айна пайтда айрим ёшлардаги конформистик, яъни эргашувчанликдан иборат дунёқарашни ислоҳ қилиш зарурати туғилмоқда. Билиб-билмасдан, кўр-кўрона эргашувчанлик, масаланинг мазмун-моҳиятига эмас, шак-

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. 117-бет.

лига эътибор — буларнинг бари ёшлар маънавиятининг шаклланишидаги тўсиқлардир.

*Олтинчидан*, ёшлар маънавиятининг шаклланиши уларнинг дунёда ва мамлакатимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни экспертизадан ўтказиш салоҳияти ҳамда мамлакат ва миллат тақдирига ўзининг қай даражада дахлдорлигини ҳис этишига боғлиқдир. Бу борада сўнгги йилларда жуда кўп ишлар бажарилди, ёшларимиз дунёқарашида сифат ўзгаришлари юз берди.

Айни ҳолда бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳам кўп. Буларнинг бари 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши билан ҳам бевосита боғлиқдир. Биз ушбу рисолада ҳозирги ёшлар, уларнинг маънавияти ҳақида қисқача фикрлашамиз. Айрим субъектив фикрлар ўқувчининг эътирозига сабаб бўлар. Муҳими, муаммонинг қўйилиши ва уни ҳал этиш йўлини излашдир. Рисолада шу нарсага эътибор қаратилган.

## МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ

Одамзод пайдо бўлибдики, бир нарсага жавоб излайди: биз киммиз, мен кимман, атрофимдагилар ким? Биз нималарни биламиз-у, нималарни билмаймиз? Билган нарсамиз бизга нима берапти, нимага муҳтожмиз? Эҳтиёжimiz нима ва уни қандай қондиришимиз мумкин?

Бу саволларга минг йиллар давомида жавоб қидирилди, қидирилмоқда. Инсонни бахтли қилишнинг, унинг оғирини енгил қилишнинг, одамзодни урушу қирғинбаротлардан, турли миллий, ирқий, сиёсий келишмовчиликлардан асраб қолишнинг қанчадан-қанча йўллари, концепциялари, воситалари ишлаб чиқилди, диний, дунёвий таълимотлар яратилди, диссертациялар ҳимоя қилинди.

Бироқ шак-шубҳасиз, инсоният тараққиётига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган ўша янгиликлару таълимотларга қарамасдан, илм-фан, маданият ривожланган учинчи минг йилликнинг бошида ҳам урушлардан жабр кўраётган, қийинчиликларга дучор бўлаётган бахтсиз инсонлар ҳали ҳам бор. Боз устига бундай иллатлар янги шакл ва мазмунда яна пайдо бўлиши давом этмоқда.

Энг ачинарлиси шундаки, илм-фан, маданий ривожланиш тараққиёти кучайган сари инсонни тарбиялаш, унинг қалбини даволаш зарурияти шунчалар долзарб бўлиб бормоқда. Воқеалар уммонида ўзини «йўқотиб қўймаслик» зарурати тобора кучлироқ сезилмоқда. Ана шундай шароитда фақатгина ўз фикри, тафаккури, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида ривожлантиришга ҳаракат қилган инсон, халқгина ўзини асраб қолиши мумкин. «Чунки ҳозирги даврда, — дейди Юртбошимиз, — халқаро майдонда турли сиёсий ман-



фаатлар тўқнашаётган мураккаб бир шароитда фақат ўз фикри, ўз ҳаётини позициясига эга бўлган халқ ва жамият энгилмас кучга айланиб, келажagini ўз қўли ва ақл-заковати билан қуришга қодир бўлади»<sup>1</sup>.

Юқоридаги иқтибосдан ҳар бир инсон ўзини-ўзи бошқариши, ўзининг қатъий фикрига эга бўлиши лозимлиги англанади. Ҳақиқатан ҳам шундай: инсонни қалб ва ақл бошқаради. Қалби хасталанган инсон учун жамият манфаатлари, миллий эҳтиёжларнинг ҳеч бир қизиги йўқ. Шунинг учун ҳам Шарқда доимо инсон қалбининг софлиги муқаддас ҳисобланган. Мутафаккирларимиз жисмоний ўлимдан эмас, қалб ярасидан, ахлоқий қашшоқланишдан қўрқибган.

Қалб, юрак, дин ва илоҳият соф тушунчалар ҳисобланади. Куръони каримда «қалб» сўзи 133 марта учрайди. Тустарий, Балхий, Нурий, Термизий, Ғаззолий каби алломалар фикрича, қалб инсон ичидаги илоҳий сир бўлиб, шу туфайли инсон ҳатто фаришталардан ҳам юқори туради. Қалб нарсаларнинг туб моҳиятини кўра олади, у инсон хатти-ҳаракатларини акс эттирувчи кўзгу бўлиб, савоб амаллар уни нурга тўлдиради, ёмон амаллар эса, аксинча, хиралаштиради<sup>2</sup>.

Демак, инсоннинг том маънодаги мавжудлиги унинг қалбида акс этади. Қалби нур, эзулик, яхшилиқ, гўзаллик билан тўлган ҳар қандай инсонни мукамалликка интиланган, ўзини яхши инсонга айлантиришга ҳаракат қилётган шахс сифатида тан олиш мумкин.

Шу билан бирга гўзал инсон, яхши шахс тарбияси фақат унинг қалби билангина белгиланмайди. Қалб билан баб-баравар ақлнинг ўрни ҳам жуда катта. Ақл энг улур неъматлардан бири саналади ва у инсонни доимо англаш, фикрлаш, мушоҳада этиш, тафаккур қилишга ундайди.

Масаланинг энг муҳим жиҳати шундаки, қалб, юрак, дил, ақл билан уйғунлашгандагина у том маънода инсонга, инсониятга хизмат қилиши мумкин, зеро Арасту таъ-

<sup>1</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2005 йил 8 декабрь.

<sup>2</sup> Ислон энциклопедияси. — Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2004. 290-бет.

кидлагани каби «ақл дил гўзаллиги билан қўшилса фази-латга айланади, акс ҳолда ақл фазилат эмас».

Инсонда қалб ва ақл уйғунлигига эришишнинг баркамол авлод тарбиясидаги ўрни масаласига Шарқда айниқса катта аҳамият берилган. Буюк мутафаккир Абу Ҳомид Фаззолий ўзининг «Кимёи саодат» асарида инсон тана-сини шаҳарга ўхшатади. Унинг айтишича қалб, дил — бу шаҳарнинг подшоҳи. Ақл бу шаҳар подшоҳининг вазири. «Бунга ўхшаш вақтики подшоҳ Дил вазир — Ақлнинг мас-лаҳати бирла иш қилса, шаҳват ва ғазабни вазир Ақлнинг зердасти ва фармонида қилса, бадан мамлакати анинг ни-зомида бўлғусидир. Ва саодат йўлини топиб, Ҳақ Таоло-нинг маърифатини ҳосил қилғусидир ва агар Дил вазир Ақлни шаҳват ва ғазаб илигида асир қилса, бадан мамла-кати вайрон бўлиб, подшоҳ Дил ҳам асир бўлиб, бадбахт ва ҳалок бўлғусидир»<sup>1</sup>.

Назаримизда, қўйилган масалага бундан ортиқ изоҳ йўқ. Қалб билан ақл уйғунлашган жойда ривожланиш, яхши-лик, эзгулик, гўзаликка интилиш бор. Қалб, дил ва ақл ўртасидаги келишмовчилик эса, барча зиддиятлар, ноҳақ-ликлар, адолатсизликларнинг манбаидир. Шубҳасиз, ушбу ҳолатда қалб, дил, юракнинг ўрни, аҳамияти каттадир.

Буюк алломаларимиз қайд этганлари каби инсонни, пировард натижада жамиятни маърифат булоғидан суфо-ришнинг йўли шахсни маънавият, маърифатга ошуфта қилишдадир. Муаммога бошқачароқ муносабатда бўладиган бўлсак, инсонни ва жамиятни турли бало-қазолардан ас-рашнинг ягона йўли қалбни даволаш, уни соғломлашти-ришдир.

Бу йўлда мамлакатимизда мустақиллик йилларида мис-ли кўрилмаган катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Маъна-вият, маърифат давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Муҳими, ушбу ҳақиқатнинг расман эълон қилин-ганида эмас, балки бу нарсанинг фуқароларимиз томони-дан эътироф этиб, тан олинганидадир.

---

<sup>1</sup> Абу Ҳомид Фаззолий. «Кимёи саодат». Рух ҳақиқати. — Т.: «Адо-лат», 2005. 37-бет.

Маданиятнинг мақсади, ижтимоий функциялари ўзгарди. Агар аввал маданият давлатнинг, ҳукмрон сиёсий мафқуранинг империячилик мақсадларини амалга ошириш воситаси саналган бўлса, энди у инсоннинг мукамаллигини таъминловчи, миллатни бирлаштирувчи, уюштирувчи, ягона миллий манфаатга хизмат қилувчи ҳодисага айланди.

Натижада маънавий-маърифий соҳада фуқароларимиз орзу қилган кунларга етдик. Миллий-маданий, тарихий меросимизни ўзимизга қайтариш имконига эга бўлдик. Миллатнинг мавжудлиги унинг маданиятида акс этиши тўғрисидаги ҳақиқат том маънода қарор топа бошлади. Миллий маданиятимизнинг тиклана бошлаши бизнинг жаҳон майдонидаги ўрнимизни белгилашга кўмак бера бошлади. Ушбу ижобий жараёнлар силсиласида Юртбошимизнинг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишини алоҳида таъкидлаш лозим. Таъбир жоиз бўлса айтиш керакки, бу ҳужжат жамиятни янада маърифатпарварлаштириш, инсоний фазилатларга устувор тавсиф бериш, инсон қалбида эзгулик, яхшилик, адолат тамойилларини қарор топтиришга қаратилган жиддий қадамдир.

Шу билан бирга дунё тобора глобаллашиб бораётган, барча соҳаларда интеграция жараёнлари авж олаётган ҳозирги даврда жамиятимизнинг айрим фуқароларида, аynиқса, ёшлар онгида кучли тафаккурий ўзгаришлар содир этиш ўта долзарб бўлиб қолмоқда. Айрим ёшларимизда эгоизм, худбинлик, жамият манфаатларига беписандлик каби иллатларнинг мавжудлигида ғарбнинг таъсири кучайиб бораётганлигини ҳам эсдан чиқармаслик муҳим, деб ўйлаймиз.

Бундай мураккаб шароитда ёшлар ўртасида олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларимиз самарадорлигини оширишдан ҳам муҳимроқ иш йўқ. Бунинг учун, энг аввало, ёшларимизда ўз маънавий қиёфасини бойитишга

имкон берадиган соғлом эҳтиёжни шакллантириш ўта зарурдир.

Соғлом маънавий эҳтиёж инсон қалбини нурга, яхшилик, эзгуликка тўлдирувчи, уни ёмон иллатлардан ҳимоя қилувчи восита ҳисобланади. Соғлом эҳтиёжни шакллантириш учун эса, мавжуд ҳолатни таҳлил қилиш кўникмасига эга бўлишимиз лозим. Бундай ҳолатни аниқлаш учун эса, бизнинг назаримизда, қуйидагиларга эътибор бериш лозим.

*Биринчидан*, бугунги ёшларимизнинг шахс сифатидаги мақомида қайси сифатлар устувор аҳамиятга эга бўлмоқда: моддий бойликми, амалга ўтиришми, билим олишми, умумий маданий савияни оширишми?

*Иккинчидан*, яратилган маънавий неъматлар — бадий асарлар, кино-театр асарлари, оммавий ахборот воситалари нашрлари ёшларимизнинг қизиқишларини ўрганган ҳолда таклиф этиляптими?

*Учинчидан*, давлат, ҳокимиятнинг турли поғоналарида, айниқса, қуйи поғоналарида ёшларимизнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш, уларнинг маънавий қиёфасини шакллантириш йўлидаги фаолият ҳозирги кун талабига жавоб бера оладими?

*Тўртинчидан*, бозор иқтисодиёти муносабатлари табиатидан келиб чиққан ҳолда жамиятимиз фуқаролари маданий савиясини оширишга кўмак бериш мумкин бўлган ҳомийлик ҳаракатидан қониқиш ҳосил қилиш мумкинми?

Жамият маънавий қиёфасини белгилашда, фуқаронинг соғлом маънавий эҳтиёжини шакллантиришда, шак-шубҳасиз, юқоридаги саволларга берилган жавоблар муҳим аҳамиятга эга. Фуқаро маънавий эҳтиёжини шакллантириш ўта мураккаб ва маълум вақтни талаб этади. Бунинг учун, энг аввало, шахсда ўзини-ўзи ривожлантиришга мойиллик бўлиши лозим. Бу эса, кўпроқ оила, маҳалла, ўқиётган ёки ишлаётган билим юрти, муассаса, ташкилотдаги, умумий тарзда айтадиган бўлсак, жамиятдаги ўрناق ва ибрат масаласига боғлиқ. Бу биринчи масала.

Масаланинг иккинчи жиҳати ён-атрофимизда, дунёнинг бошқа мамлакатларида ёшларга тақдим этилаётган турли маънавий «неъматлар» савиясига боғлиқ. Маълумки,

«садизм» ибораси француз ёзувчиси Маркиз де Сад (1740—1814 йиллар) номи билан боғлиқ. Садизмнинг маъно-моҳияти — жиноий бузуқлик, ёстиқдошига жисмоний азоб етказилган тақдирдагина тўла-тўқис ҳузур қилиш, ҳаддан ташқари шафқатсизлик, бошқаларнинг азобланишидан ҳузурланиш демак. Таниқли адиб М. Шоҳанов таъкидлаганидек, де Сад асарларида тасвирланган маънавий қашшоқлик, ашаддий шафқатсизлик манзаралари фақат лаънатлашга лойиқ. Ўз онасини зўрлаган муртад, қизини ўзига ўйнаш тутиб, сўнг унинг мурдасини овлоқ жойга элтиб ташлагунча ялаб-юлқаб борган восвос ота ҳақидаги парчаларни ўқишнинг ўзи ҳам азоб. Шундай бўлса-да, де Сад китобларини ўқишга муштоқ бўлган китобхонлар жуда кўп<sup>1</sup>.

Инсоннинг гўзал фазилатлари, унинг муқаддаслигини ифода этувчи асарлар билан бирга уни камситувчи, ерга урувчи айрим «асарлар»нинг юзага келиши, шубҳасиз, фуқаро маънавий эҳтиёжини вульгарлаштиради. Босқинчилик, ур-йиқит, зўравонликни мунтазам равишда «томоша қилувчи», «ўқийдиган» кишидан нимани ҳам кутиш мумкин? Соғлом маънавият ёмон одамни яхши одамга, яхши одамни эса гўзал хулқли инсонга айланишини ифода этувчи маънавий бойликлар асосидагина шаклланиши мумкин.

Муаммонинг учинчи жиҳати ҳам бор. Шу нарса маълумки, фуқарода, пировард натижада, миллатда ўзга шахс ва миллатнинг маънавий «бойликлари»ни ўзлаштиришга, уларни «культ» даражасига кўтаришга мойиллик ҳолатлари мавжуд. Бунинг учун, аввало, ўша шахс ёки миллат маданияти бошқалар маданий тараққиётидан сустроқ бўлади. Бўлак томондан эса шахс ва жамиятда ўзини-ўзи ривожлантиришга бўлган ҳаракат кам бўлади.

Аммо, ўзбек халқи ўз миллий-маданий тараққиёти билан жаҳонда алоҳида ҳурмат ва эъзозга эга бўлган халқ ҳисобланади. Бу — эътироф этилган аксиома. Ана шу миллий-маданий бойликларни халқимиз онги-шуурига сингдириш, уларнинг қалбига жо этиш асосида миллат маданий-маънавий қиёфасини шакллантириш мумкин.

<sup>1</sup> *Айтматов Ч., Шоҳанов М.* Чўққида қолган овчининг оху зори. Т.: «Шарқ», 1998. 128-бет.

Биз кўпинча соғлом маънавий эҳтиёжни шакллантириш тўғрисида гапирамиз, унинг зарурлиги хусусида ўз мулоҳазаларимизни берамиз — бу тўғри. Аммо яна шу ҳам маълумки, жаҳон амалиётида соғлом маънавий эҳтиёжни шакллантиришнинг умумэътироф этилган ягона йўли йўқ. Бундай эҳтиёж, бир томондан миллатнинг миллий-маданий тарихий мероси, жамият фуқароларининг мазкур меросга бўлган муносабати натижасида шаклланса, бошқа томондан, давлатнинг миллий-маданий меросга, уни фуқаролар томонидан ўзлаштиришга бўлган муносабатига боғлиқ.

Шу ўринда бир мисол келтирмоқчи эдик: А. Чехов асарлари 146, А. Пушкин асарлари 89, Н. Гоголь асарлари 68, Ф. Достоевский асарлари 46, А. Толстой асарлари 44 марта экранлаштирилган, уларнинг асарлари асосида бадиий фильмлар яратилган экан. Дунёда асарлари энг кўп экранлаштирилган адиб У. Шекспир бўлиб, у 300 тани ташкил этаркан<sup>1</sup>.

Албатта, юқорида номлари зикр этилганларга мумтоз адиблар сифатида бутун жаҳон, жумладан биз ҳам тан берамиз. Айни пайтда ўзбек халқининг бой маданий, илмий меросини яратган, унга асос солган олиму фузалоларимиз, мутафаккирларимиз тўғрисида, улар яратган бой илмий-маданий мерос ҳақида биз ёш авлодга бераётган билимларимиз, уларни бадиий образлар орқали етказиб бериш даражамиз ҳозирги кун талабларидамикин? Шу ўринда ёшларимизга уларнинг ёш, миллий хусусиятлари, қизиқишларини эътиборга олиб, турли мавзуларда қизиқарли китоблар, бадиий, ҳужжатли асарлар нашр этсак, кинофильмлар яратсак мақсадга мувофиқ бўларди.

Қолаверса, биз ёшларимизда соғлом маънавий эҳтиёжни шакллантиришимиз учун уларга миллий-маданий тарихимиз ҳақида етарлича билим, тасаввурлар беришимиз лозим. Масалан, Зараутсой (Сурхондарё) қоятош суратлари юртимизда бундан 14—15 минг йил аввал илк санъат асарлари пайдо бўла бошлаганлигини, бу маданият жаҳонга машҳур Испаниянинг Алтамира, Франциянинг

<sup>1</sup> «АиФ». 2006, № 17.

Ляско горлари деворий суратлари кадр-қимматидан кам эмаслигини ёшларимизга билдиришимиз соғлом маънавий эҳтиёжнинг туғилишига қизиқиш уйғотмасдан қолмайди. Бундан 5 минг йил илгари аجدодларимиз бронза металл эритиш технологиясини ўзлаштирганлар. Мис ва қалай ёки мис билан қўрғошин аралашмасидан бронза метали кашф этганлар. Бизнинг аجدодларимиз сифатли бронза олиш учун мис билан қўрғошин аралашмаси 9:1 нисбатда, уни яратиш ҳарорати 930—1030 даража бўлишини минг йиллар илгари билганлар<sup>1</sup>.

Буюк мутафаккир Абу Али ибн Сино ўрта аср мусулмон Шарқда, хусусан, Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудида 35 та илм йўналиши мавжудлигини таъкидлаб, уларнинг ҳар бирига тавсиф берган<sup>2</sup>.

Хўш, биз нима учун бундай мисолларни келтиряпмиз? Гап шундаки, маънавий эҳтиёж ўз-ўзидан, қуруқ жойда пайдо бўлмайди. Қолаверса, ўқувчининг, оддий фуқаронинг бундай эҳтиёжини маъмурий йўллар билан шакллантириш ҳам мумкин эмас. Мажбуран китоб ўқитиш, саҳна асарини томоша қилдириш мумкин. Аммо бу йўлдаги маъмурий усул ўқувчининг маънавий эҳтиёжини шакллантиришдан кўра кўпроқ акс таъсир этиши мумкин.

Шу маънода бизнинг жамият аъзолари ўртасида олиб борадиган ишларимиз, маънавий-маърифий тадбирларимиз ўз мақсад-муддаомизга етказяптими, улар соғлом маънавий эҳтиёжни шакллантиришга хизмат қиляптими — буни аниқлаш жуда муҳим. Қолаверса, соғлом маънавий эҳтиёж фуқарода эркин тафаккур қилиш, фикрий мустақилликка эришишни таъминлайди. Бу ҳақда Юртбошимиз И.А. Каримов шундай деган эди: «Бу ўринда гап қандайдир тарғибот-ташвиқот ҳақида эмас, балки одамларнинг кўзини очиб бериш, уларнинг қалби ва онгида мустақил фикр уйғотиш ҳақида бормоқда»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Мирзаев Т., Ширинов Т. Буюк тарихимиз кўзгуси. «Халқ сўзи», 2003 йил 2 апрель.

<sup>2</sup> Баҳодиров. Р. Классификация наук и ее место в истории культуры мусульманского Востока (IX—XV вв.). — Т.: 1998. — С. 26.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқи ва эркинликлари олий қадрият. 14-том. Т.: «Ўзбекистон», 2006. 67-бет.

Юртбошимиз таъкидлагани каби, олиб бораётган тарғибот-ташвиқот, маънавий-мафкуравий ишларимиз аниқ мақсадга йўналтирилмас экан, ундан ҳеч ким, ҳеч қандай наф кўрмайди. Фуқаронинг қизиқиши, хусусиятлари, ёши ва бошқа жиҳатлари эътиборга олиниб ўтказиладиган ҳар қандай тадбир бир томондан, ўша шахснинг соғлом маънавий эҳтиёжини шакллантиришга хизмат қилса, бошқа томондан, унинг маънавий қиёфасини бойитишга, мустақил шахс сифатида тарбия топишига имкон беради.

Дарҳақиқат, баркамол инсон тарбияси, айниқса ёшлар қалбида яхшилик, эзгулик, миллат ва Ватанга меҳр қўйиш сифатларини шакллантириш ўз-ўзидан бўлмайди. Бемақсад, самарасиз юзлаб тадбирлардан битта маънили суҳбат ёки мулоқотнинг кўпроқ нафи тегиши мумкин. Буни барчамиз биламиз. Бироқ, тадбирларимизнинг бесамарлигига яна бир бошқа сабаб борга ўхшайди.

Гап фуқароларимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг маънавий қиёфасини шакллантиришда, улар қалбида яхшиликка ошнолик сифатларини уйғотишда мавжуд вазиятни яхши англаб ета олмаётганлигимиз ҳақида кетяпти. Шу ўринда мамлакатимиз ёшларининг маънавий-мафкуравий харитасини яратиш мақсадга мувофиқ бўлар эди, деб ўйлаймиз. Ушбу шартли «харита»да ёшларимизнинг ёш хусусиятлари, қизиқишлари, интилишлари, мақсадлари ўз ифодасини топган бўлиши муҳимдир. Масалан, қайси ёшда Алишер Навоийни қандай талқин қилиш ҳақида ўйламас эканмиз ва уни кексаю ёшга бир хил тарзда «тарғиб-ташвиқ» этарканмиз, ундай асар бир тоифа одамга бир хил, бошқаларига эса тамомила ўзгача таъсир этиши мумкин.


Ёшлар қалби шаклланаётган қалб ҳисобланади. Шаклланиш жараёни тўғри белгиланмас экан, бундай вазиятда инсоннинг виртуал дунёга кириб қолиш эҳтимоли кўп бўлади. Виртуал дунёда инсон қалбида ҳали тўла англаб етилмаган қандайдир ғайриодатий ўзгаришлар рўй беради, ундайларда турли тубанликларга тушиш эркинлик сифатида таҳлил этилади. Яна шу нарса маълумки, виртуал дунёда инсон маънавий жавобгарликни ҳис этмайди. Ҳаттоки, мутахассисларнинг таъкидлашича, виртуал дунё, унинг замонавий ахборот технологиялари бағрида ярати-



лиши атом бомбасининг кашф этилишидан ҳам хавфли. Ҳозирги шароитда айрим ёшларимизнинг виртуал дунёга тушиб қолиши, уларнинг реал дунёдан ажралиб қолаётганликларининг икки сабаби бор, деб ўйлаймиз: биринчидан, ундайлар ўзининг мустақил маънавий қиёфасига эга эмас. Натижада «четда»ги нарсалар уни ўзига тортади, аста-секин реал дунёдан оёғи узилганини сезмай қолади. Иккинчидан, бундай тоифадаги ёшларда ўзини-ўзи ривожлантиришга эҳтиёж йўқ, шунингдек, бу нарса уларни мослашувчанлик, эргашувчанлик кайфиятига тушириб кўяди.

Ёшларимизни виртуал дунёга тушиб қолишдан асраш, уларнинг қалбини эзгулик, яхшилик уруғлари билан тўлдириш учун, энг аввало, бундайларни маргеналлик ҳолатидан чиқариш лозим. Маргеналлик — айрим шахс ёки гуруҳнинг жамиятда муайян ижтимоий гуруҳ, табақа, қатламга мансуб бўлмасдан «чеккада», «оралиқда» қолишидир.

Бошқача сўз билан айтганда, маргеналлик ҳолатида у ёки бу шахс «аросатда» қолиши мумкин. Жамият, оила, маҳалла таъсиридан «чиқиш эса маргеналлик ҳолатига тушган шахсда бепарволик, уқувсизлик, ижтимоий ҳаётдан бегоналашувни юзага келтиради. Бундай ҳолатга тушган шахснинг асосий «хусусиятлари» жамият муаммоларига эътиборсизлик, суствлик, теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссининг сусайиши, беқарорликда кўринади. Бундайларнинг қалби шикастланган бўлади. Бундай шахснинг бошқалар таъсирига тушиш имкониятлари доимо юқори бўлади. Уларнинг қалбини эгаллашда катта қийинчилик сезилмайди. Бу — жамият ва миллат учун ўта хавфли. Шунинг учун ҳам бизнинг маънавий-маърифий фаолиятимиз айрим ёшларимизда мавжуд бўлган маргеналлик ҳолатини баргараф қилишга қаратилиши лозим. Баркамол инсон тарбияси алоҳида олинган, аниқ бир шахс тарбияси туфайли содир бўлади. Тарбияда аниқлик зарур. Агар биз тарбияланувчининг қалбини поклай олсак, унга инсонни севиш, ҳурмат қилиш, эъозлаш уруғларини сепа олсак, шубҳасиз, биз жамиятнинг соғлом маънавий қиёфасини яратган бўламиз, зеро Шарқда доимо моддий олам-



дан руҳ оламига кўтарилиш, қалбни тозалаш инсоннинг комиллик сари ташлаган қадами сифатида баҳоланган.

## ЖАМИЯТДА МУНОСИБ ЎРИНГА ЭГА БЎЛИШ МАСЪУЛИЯТИ

2008 йил мамлакатимизда «Ёшлар йили» деб эълон қилинди. Бундай мулоҳаза ва қарорга келинишида мен қуйидаги учта асосни кўраяпман.

*Биринчидан*, мамлакатимиз том маънода ёшлар юрти. Ҳозирда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллиондан ортиқроқ ёки умумий аҳолининг қарийб 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса аҳолининг 64 фоизини ташкил этади.

*Иккинчидан*, мамлакатимиз раҳбарияти ёшларни жамиятимизнинг етакчи кучи, деб ҳисоблайди. Шу маънода уларга қилинган ҳар қандай гамхўрлик, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш келажакка ташланган назар, уни олдиндан тасаввур этиш йўлидаги интилишдир.

*Учинчидан*, ёшларга бўлган муносабат ўзбек халқининг миллий хусусиятидан келиб чиқади. Ҳар бир ёш жамият учун индивидуал шахс, ижтимоий фаол инсон сифатида тан олинса-да, у, энг аввало, ота-онанинг фарзанди, оиланинг меваси ҳисобланади. Яъни, ўзбек миллий хусусиятига биноан ёш йигит-қиз, ўспиринда ғарб тенгдошларидаги индивидуализм билан шарқ ижтимоийлиги уйғунлиги мавжуд.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшлар сиёсатининг ҳуқуқий асослари яратилди. Уларни ижтимоий ҳаётга жалб этиш, истеъдодларни ўз вақтида пайқаш механизми шаклланди. «Ниҳол» ва Зулфия мукофотлари танловлари, «Янги авлод» ва «Келажак овози» кўрик-танловлари, яна бошқа ўнлаб танловлар ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг иқтидорларини очишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бир сўз билан айтганда, ҳозир мамлакатимиз ёшларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг давлат сиёсати даражасидаги механизми мавжуд. У ишламоқда. Бу *биринчидан*.

*Иккинчидан*, йигит-қизларимиз, ёшларимиз бундай имкониятлар мавжудлигидан хабардор. Энг муҳими, улар ўз

имкониятларини адолатли равишда, кучли рақобатдошлик вазиятида амалга оширишга ишонмоқдалар. Бу жуда муҳим.

Энди масалага бошқа жиҳатдан муносабатда бўлсак. Мамлакат Юртбошиси «Ёшлар йили» давлат дастурида ўз аксини топадиган барча мақсад ва вазифаларни ўзида мужассам этадиган ғоя бўлиши, у ҳаммага аён бўлиши лозим дейди. «Бу ғоя — дейди И. Каримов, — ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг замонавий билим ва касбга эга бўлишини, бугунги ўта мураккаб ва таҳликали замонда мавжуд бўлган ҳар қандай хатарларга, зарарли таъсир ва оқимларга нисбатан огоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлиб яшашни ва жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашдан иборат»<sup>1</sup>.

Мазкур фикрда жуда катта, залворли маъно ётганлигини таъкидлашнинг ўзи етарли эмас. Қайд этилган ғоянинг тоши оғир. Уни мушоҳада этиш ва бу борада белгиланган вазифани ҳал этиш эса ундан қийин. Қайд этилган фикрда диққатни тортадиган муҳим масала шуки, унда ёшлардан жамият ҳаётида *муносиб* (таъкид бизники: М.А.) ўрин эгаллаш талаб этилмоқда.

Дарҳақиқат, шахс, инсоннинг, мутахассис сифатида энди шаклланиб келаётган, тобора глобаллашиб бораётган ва жаҳонда тез ўзгариб бораётган жараёнлар ичида ўзининг «мен»ини топишда адашиб қолмаслиги, айна пайтда, жамият ҳаётида муносиб ўрин топиши ўта мураккаб вазифа ҳисобланади. Яна шу нарса ҳам маълумки, бундай «муносиб» бўлишнинг ягона, ҳамма томонидан эътироф этилган ташхиси ҳам йўқ.

Бас, шундай экан, Юртбошимиз томонидан қўйилган мазкур муаммони ҳал этиш учун нима қилиш лозим? Нима қилсак ёшларимиз ўзининг «мен»ига эга бўлади ва содир бўлаётган ҳодисалар гирдобиди адашиб қолмайди?

Табиийки, мазкур муаммоли қатор вазифаларни бажаришда, ўзимизга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган омиллар, уларга бизнинг ёндашувимиз таъсирсиз ҳал этиш мумкин эмас.

---

<sup>1</sup> «Асосий мақсадимиз — юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир». «Ишонч», 2007 йил 8 декабрь.

Келинг, ёшларимизнинг жамият ҳаётида «муносиб» ўрин эгаллаши ва ўз «мен» ига эга бўлиши учун зарур бўлган айрим шахсий фикрларни баён этсак.

*Биринчидан*, таъкид этиш лозимки, мустақиллик йилларида ёшларимизнинг ўқишга бўлган муносабати ўзгарди. Таълим тизимидаги ўзгаришлар, янги, замон талабларига жавоб берадиган ихтисосликларнинг юзага келиши ёшларнинг касбий қизиқишларини оширди. Бу яхши.

Айни пайтда, ўқишни «культ» даражасига кўтаришда айрим муаммолар учраб турибди. Мени бир зиёли, ўқитувчи сифатида ташвишга солаётган нарса шундаки, айрим ёшларимиз ўқишдан кўзланган асосий мақсадни, бу — олий ўқув юртига киришдан иборат жараён деб тушунишларида. Алоҳида фан йўналиши билан, тор ихтисослик бўйича шуғулланиш, «репетиторлик» мактабидан ўтиш, бу ёмон эмасдир, аммо мақсадни тор олиш у ёки бу йигит-қизда тўғри мўлжал олишга халақит қилади.

Ушбу масаланинг яна бир жиддий жиҳати мавжуд: айрим ёшларимиз ўз маънавий қиёфасини шакллантириш, эгаллаётган мутахассислигини қўлга киритиш учун мустақил ақлий фаолиятда ожизликка йўл қўймоқдалар. Хорижий мамлакатларда чоп этилган адабиётларни ўрганиш, интернет маълумотларига суянган ҳолда Абу Али ибн Синони араб миллатига мансуб мутафаккир, дейиш, табиийки, юқоридаги каби ҳолатлар туфайли содир бўлиши мумкин.

Ўқишни фақат мутахассисликни қўлга киритишнинг воситаси деб билиш ёшларни адаштирувчи йўл эканлигини англаб етишимиз, том маънодаги билим шахсни баркамоллик сари етакловчи йўл эканлигини билишимиз ўта муҳимдир. Маҳмуд аз-Замахшарий «Навобиғ ал-калом» («Нозик иборалар») да шундай дейди: «Ёки билимли бўл, ёки илмга таяниб иш тутадиган бўл, лоақал илмни тинглаб эшитадиган бўл, бироқ тўртинчиси бўлма, чунки касодга учраб ҳалок бўласан (жувонмарг бўласан)»<sup>1</sup>.

*Иккинчидан*, ёшларимиз жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун, назаримда ўз тафаккурларида чуқур исло-

<sup>1</sup> Уватов. У. Хоразмлик буюк аллома. — Т.: «Янги аср авлоди», 2006. 66-бет.

ҳот ўтказишлари лозим. Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларида чуқур ислохотлар ўтказилмоқда. Улар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бунга ҳеч ким шубҳа қилмайди. Бу нарсани хорижий экспертлар ҳам эътироф этмоқдалар.

Шу билан бирга, айрим ёшларимиз онгу шуурида, тафаккурида янгиликни англаб етишга, келажакни ёрқин тасаввур этишга халақит қилаётган омиллар ҳам борки, буларни эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Масалага кенгроқ муносабатда бўладиган бўлсак, биз янги жамият барпо этмоқдамиз. Аммо янги жамиятни эски тафаккур, қарашлар билан барпо этиб бўлмайди. Буюк аллома Маҳмуд аз-Замахшарий таъкид этгани каби: «Эзгу, хайрли ишларга астойдил кириш, уларни пайсалга солиб, кейин қиларман, деган ўйлардан воз кеч, шайтон йўлдан урадиган шошма-шошарлик билан эмас, тафаккур ва идрок билан иш тут»<sup>1</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, ақл, тафаккур, илмий идрок инсонни алдамайди, унга тўғри йўлни кўрсатади. Хўш, ёшлар тафаккурини ислоҳ этиш учун нима қилмоқ керак? Бу нарса бизга маълум даражада аён: ўқиш, жамият ривожланиш қонуниятларини билиш, ўзининг амалий фаолияти билан жамият томонидан қўйилаётган талабларга жавоб бериш ва ҳоказолар.

Энди масаланинг бошқа томонига эътибор берайлик: ёшларда тафаккур ўзгариши туфайли нимага эришиш мумкин? Назаримизда, бунинг натижасида, энг аввало, ёшларда теварак-атрофда, мамлакатимизда, унинг ташқарисида юз бераётган воқеа-ҳодисаларга тўғри баҳо бериш, ҳолисона хулоса чиқаришга эришиш мумкин.

Шу ўринда ёшларимизнинг мамлакатимизда ва унинг ташқарисида юз бераётган ўзгаришларни ижтимоий экспертизадан ўтказиш масаласига муносабатини аниқлаш ҳам алоҳида аҳамиятга молик эканлигини таъкидлаш муҳим. Ижтимоий экспертиза фуқароларни, айниқса, ёшларни турли адашишлардан, хато хулоса чиқаришлардан муҳофаза қилувчи воситадир. Ёшларда воқеа-ҳодисаларни ижтимоий

<sup>1</sup> Уватов. У. Хоразмлик буюк аллома. — Т.: «Янги аср авлоди», 2006. 96-бет.

экспертизадан ўтказишга эҳтиёж бўлса ва уни тўғри шакл-лантира олса, у ҳолатда бундай йигит-қизлар ахборот уммонида адашмайдилар. Шу ўринда яна бир нарсани англаш муҳимки, ижтимоий экспертиза шахсдан хулоса чиқариш ва амалий фаолиятда миллий манфаатларга устувор тавсиф беришни ҳам тақозо этади.

*Учинчидан*, ёшларимизнинг жамиятга муносиб бўлиб тарбияланиши кўп жиҳатдан улардаги ижтимоий фаоллик ҳамда унинг даражасига боғлиқ. Ижтимоий фаолликнинг ўзи нима? Бу — фуқаронинг шахсий интилиши, ҳаётдаги мақсад-муддаолари, келажакда қўлга киритиши лозим бўлган етуклик даражасига эришиш йўлида ўз имкониятларидан максимал фойдаланиш учун қиладиган саъй-ҳаракати. Айни пайтда, ижтимоий фаоллик инсоннинг ўз мақсадига эришиш йўлида жамият, миллат, Ватан манфаатларига ўз шахсий манфаатларини уйғунлаштириш ҳамда унинг мутаносиблигини таъминлаш қобилиятидир. Ижтимоий фаоллик, бошқача айтганда, инсонни тарбиялайди, ундаги салбий ҳолатлар, шахсий қусурларни йўқотади, фуқарода ташаббускорликни, мақсад сари интилишни шакллантиради.

Табиийки, ёшлардаги ижтимоий фаоллик қатор ижобий сифатларни юзага келтиради. Булар, фикримизча, қуйидагилардан иборат:

1. Мавжуд қонунчилик, биринчи навбатда, Ўзбекистон Конституциясига амал қилиш кўникмасини ҳосил қилади.

2. Шахсни ўз ҳуқуқ ва бурчларини билишга ҳамда уларни ўз фаолиятида доимо эътиборга олишга ундайди.

3. Ёшларда ижтимоий мўлжалнинг шаклланишига ёрдам беради.

4. Мослашувчанликдан иборат конформ кайфиятини бартараф этишга кўмаклашади.

*Тўртинчидан*, ёшларимизнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун зарур бўлган муҳим сифатлардан бири — уларда очиқ мулоқотга мойиллик кайфиятининг мавжудлигидир. Қайд этиш лозимки, ҳозир мамлакатимизда ёшларнинг ўз иқтидорларини намоён этишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Уларнинг барпо этилаётган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида фикр-

мулоҳазаларини эмин-эркин ифода этишга имкониятлари мавжуд.

Бу нарса албатта, ижобий ҳолат. Аммо айрим ёшларимизда ўз тенглошлари ва бошқалар билан очиқ мулоқотга киришишга, ўз фикр-муддаоларини ифода этишга қатор омиллар тўсқинлик қилаётганга ўхшайди. Бизнинг назаримизда, бунинг қуйидаги сабаблари бор: айрим ёшларимизда очиқ мулоқот қилиш учун билим-кўникмаларнинг камлиги; яна айримларида эса, бошқалар тўғрисида гаплашиш, «фикр юритиш» амалиётининг «бир-бири билан очиқ мулоқотга киришиш» кайфиятидан устувор аҳамиятга эгалигидир.

Ёшларимизнинг очиқ мулоқотга киришишига ҳалақит қилаётган жиҳатлардан яна бири шундаки, миллий хусусиятларимизнинг ҳосиласи сифатида айрим кадриятларимиз, анъана ва маросимларимиз ёшларимизнинг ташаббус кўрсатиши, ўз фикрини очиқ-ойдин ифода этишига имкон бермаяпти. Албатта, ўзбек халқининг энг буюк кадриятларидан бири — бу катталарга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, жамоанинг устувор тавсифга эгалигини эътиборга олиш, кўпчиликнинг фикрини айрим ҳолатларда эътирозсиз қабул қилишдир.

Бироқ, дунёда кучли интеграция жараёнлари юз бераётган, ахборот оқими шиддатли равишда инсон онги-руҳиятига таъсир ўтказётган бир даврда ёшлар билим даражаси тобора кенгайиб бораётганлигини, у ёки бу масалада уларнинг шахсий мулоҳаза ва хулосалари ҳам муҳим аҳамият касб этаётганлигини эсдан чиқармасак яхши бўларди. Ёшларга эътибор, энг аввало, уларнинг фикр-мулоҳазаларига, қизиқиш, истакларига эътибордир. Бусиз ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни очиқ мулоқотга чорлаш, пировард натижада йигит-қизларнинг жамиятдаги муносиб ўрнини таъминлаш қийин бўлади.

*Бешинчидан*, мамлакатимизда ёшлар билан ишлашда уларнинг ғоявий-мафкуравий имунитетини шакллантиришга алоҳида эътибор бериш лозим, деб ўйлаймиз. Дунёда ҳозирда содир бўлаётган мафкуравий кураш кўп ҳолларда ёшларда Ватанга бўлган мезонларни ўзгартириш, ўзини у ёки бу миллат, Ватанга эмас, қандайдир сохта дунё фуқаросига айлантиришга қаратилганлиги барчага

маълум бўлиб қолмоқда. Шу мақсадда йирик давлатларнинг ўз манфаатларига эришиш йўлида «бешинчи колонна» деб номланган ақидага асосланиб иш кўраётганликлари ўта хавфлидир.

«Бешинчи колонна» «ғояси», асосан, «демократия ва инсон ҳимоячилари»нинг кураш усули ҳисобланади. Энг хавфлиси бундай курашда диний экстремизм байроғи остида фаол «мафкуравий» кураш олиб бораётганларнинг салмоғи ҳам камаймаяпти. Сохта эркинлик ғояси, турли давлатларнинг мафкуравий экспансияси, ғоявий зуғум — буларнинг бари ёшларимизнинг ғоявий-мафкуравий ҳолатига маълум даражада таъсир этиши мумкин.

Ушбу вазиятда назаримизда, қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир: ҳар бир ёш йигит-қиз миллат, мамлакат тақдирида миллий манфаатларнинг устуворлигини нафақат тан олиши, шунингдек, унга қатъий амал қилиши, ўзида ғоявий-мафкуравий қатъиятлилик кайфиятини шакллантириши, ҳурфикрлик ва толерантликка устувор аҳамият бериши, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига амал қилиши яхши натижа бериши мумкин. Қолаверса, ғоявий-мафкуравий қатъиятлилик айрим ёшларимиздаги эгоизм психологиясини бартараф этишга имкон беради, деб ўйлаймиз.

Албатта, ёшларимизнинг мамлакатимиз ва жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши узоқ давом этадиган тарбиявий-мафкуравий жараённинг натижасидир. Бу жараён ижодийдир. Ягона ташхис мавжуд эмас. Бу нарса ҳар бир йигит-қизга унинг қизиқиши, эҳтиёжи, иқтидори, савиясига қараб индивидуал тарзда ёндашувни талаб қилади. Агар биз ўзимизнинг тарбиявий-мафкуравий ишларимизда ёшларнинг юқорида саналган сифатларига, хусусиятларига қараб иш юритсак, табиийки, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига ёрдам берган бўлардик. Зеро, муносиб бўлиш жамиятга хизмат қилишдир. Арасту таъкидлагани каби: «Муносиб одам бўлмоқ — фазилатлар эгаси, фозил бўлмоқ, демакдир»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Арасту. Поэтика. Ахлоқи Кабир. — Т.: «Янги аср авлоди», 2004. 6-бет.



## ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ЭҲТИЁЖИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЗАРУРАТИ

Инсон ва жамият тараққиётининг асоси, уни ривожлантиришга йўналтирувчи куч эҳтиёж эканлигини биламиз. Эҳтиёжнинг қондирилиши жамиятнинг мукамаллик, инсоннинг баркамоллик сари йўналтирилганлигини англатувчи омилдир.

«Фалсафа» қомусий луғатида «эҳтиёж — инсон талаблари асосида пайдо бўладиган табиий хусусият; жонли мавжудот ҳаёт кечирешининг яққол шарт-шароитларга, унинг шуларга боғлиқ эканлигини ифода этувчи ҳолат. Инсоннинг фаоллиги бошқа мавжудотлардан туб даражада ҳам моҳият, ҳам шакл жиҳатдан тафовутга эга бўлиб, юзага келган эҳтиёжларнинг турли вазиятларда қондирилишида ўз ифодасини топади»<sup>1</sup> дейилади.

Одатда эҳтиёжлар табиий ва маданий турларга бўлинади. Табиий эҳтиёжлар бизнинг тана аъзоларимизнинг роҳатланиши, овқатланиш, дам олиш, ухлаш каби ҳолатларга боғлиқ бўлса, маданий эҳтиёжларимиз чегараси жуда кенг, туганмас ҳисобланади. Яъни, табиий эҳтиёжларимизни қондиришда маълум чегаралар мавжуд бўлса, маданий эҳтиёжларимиз даражаси ўта ранг-баранг.

Маданий эҳтиёжлар шахс ва жамият, шахслараро муносабатлар, маданий-маърифий алоқалар ўрнатиш усуллари билан бевосита боғлиқдир. Шунингдек, ўқиш, билим олиш, тажриба орттириш, ўзини-ўзи ривожлантиришга интилиш ҳам инсон маданий эҳтиёжининг муҳим жиҳатлари ҳисобланади.

Инсоннинг табиий эҳтиёжлари, уларнинг қондирилиши масаласи маданий эҳтиёжларга қараганда аниқроқ. Маданий эҳтиёж ва унинг қондирилиш жараёни кўпчилик учун мавҳумроқ нарсага ўхшайди. Аслида-чи? Аслида, киши маданий эҳтиёжи аниқ бўлгани каби, унинг қондирилиш жараёни ҳам мавҳум эмас, у аниқ-равшан жараён ҳисобланади.

<sup>1</sup> Фалсафа. Қомусий луғат. — Т.: «Шарқ», 2004. 468-бет.

Маданий эҳтиёжнинг мавжудлиги ва уни қондирилишга бўлган ҳар қандай ҳаракат пировард натижада инсоннинг маънавий қиёфаси шаклланишига олиб келади. Инсон маънавияти тўғрисида сўнги йилларда жуда кўп гапирилмоқда, ёзилмоқда. Турли олимлар, мутахассислар унга ўз билимлари доираси даражасида таърифлар бермоқдалар. Бу яхши.

Аммо маънавият тўғрисида тўлиқ, тугал таъриф беришнинг ўз масъулияти мавжуд.

Шу ўринда Юртбошимиз томонидан берилган қуйидаги таърифга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир: «Маънавият — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир»<sup>1</sup>.

Назаримизда маънавиятга берилган ушбу таърифда мукамаллик мавжуд. Унда инсон, унинг фаолияти, кишилар ўртасидаги муносабатлар, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатлар, фуқаро ақл-идроки, виждони, қарашлари, қисқа қилиб айтганда, унинг маънавий дунёқараши тизими ўз аксини топган.

Мақсадимиз юқорида иқтибос сифатида келтирилган таърифда баён этилган ҳолатга ва сифатга эришишдир.

Аммо бундай сифатга эришиш ўта мураккаб ва узоқ даврни ўз ичига олади. Агар ўзбек халқининг ўтмиш маданияти, ижтимоий-маданий тарихига эътибор қилсак, асрлар давомида шахс камолоти, жамият маънавий ҳаётини барқарорлаштириш энг долзарб муаммо сифатида кун тартибида турганлигини кўришимиз мумкин. Шу аснода мутафаккирларнинг тарбиядан кўзланган асосий мақсад, жўн қилиб айтганда, ёмон одамни яхши одамга, яхши одамни гўзал сифатли инсонга айлантиришдан иборат, деган фикрларига қўшилмаслик мумкин эмас.

Биз юқорида инсоннинг маданий эҳтиёжлари тўғрисида фикрлай бошлаган эдик. Дарҳақиқат, юксак маънави-

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. 19-бет.

ятли бўлиш учун, энг аввало, фуқароларда маънавий эҳтиёжни шакллантириш лозим. Бу тўғрида жуда кўп гапирилмоқда. Шу аснода жамият маънавий баркамоллигини таъминлаш учун, зарур бўлган эҳтиёжни шакллантириш учун қандай амалларга риоя қилиш лозимлиги хусусида айрим субъектив фикрларни баён этишни лозим, деб топдик.

*Биринчидан*, фуқаро маънавий эҳтиёжини қондириш учун уни ўрганиш лозим. Яъни, фуқаро, айниқса, ёшлар ўз маънавий билим савиясини оширишга ўзларида эҳтиёж сезяптиларми, ё йўқ? Бунга англаб етмасдан мақсадга эришиш мумкин эмас. Ушбу ҳолатда ижобий ўзгаришга эришиш учун, назаримизда, ёшларнинг ижтимоий-маданий қиёфаси, янада аниқроқ қилиб айтганда, «маданий портрети»ни шакллантириш лозим.

Гап ёшларнинг нимани ўқиши, томоша қилиши, эшитишни ўрганиши билан бирга нимани ўқишга, томоша қилишга, эшитишга истак-хоҳиши борлигини аниқлашда кетяпти. Яна ҳам бошқачароқ айтганда, ёшларнинг маънавий дидини, унинг даражасини ўрганмас эканмиз, улар ҳақида жўяли фикрни айтиш қийин.

Агар биз миллий хусусиятларимиз, характеримизга номуносиб маданий бойликларни ўзлаштиришга интилар эканмиз, пировард натижада, бу нарса маънавий парокандаликка олиб келиши тайин. Шу ўринда Юртбошимизнинг янги — «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобидаги куйидаги фикрлари жуда ўринлидир: «... агар инсоннинг қулоғи энгил-елпи, тумтароқ оҳангларга ўрганиб қолса, бора-бора унинг бадиий диди, мусиқа маданияти пасайиб кетиши, унинг маънавий оламини сохта тушунчалар эгаллаб олиши ҳеч гап эмас. Охир-оқибатда бундай одам «Шашмақом» сингари меросимизнинг ноёб дурдоналарини ҳам, Моцарт, Бетховен, Бах ва Чайковский каби дунё тан олган буюк композиторларнинг асарларини ҳам қабул қилиши қийин бўлади»<sup>1</sup>.

Ушбу фикр ёшлар маънавий қиёфаси, «маданий портрети»ни шакллантириш нечоғлик муҳим эканлигини анг-

---

<sup>1</sup> Каримов И. Юксак маънавият — энгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. 143-бет.

латади. Ёшларга нимадир тақдим этиш учун ушбу тақдим этилаётган нарса (муסיқа, кўшиқ, кино, китоб ва ҳоказо) уларга нима бериши мумкинлигини англашимиз мумкин. Айримларнинг глобаллашув шароитида ёшлар ўзларича хоҳлаган нарсани олиши, ўз маданий эҳтиёжларини хоҳлаганларича қондиришга ҳақлидирлар, деган гапларида маълум даражада мағиз йўқлиги сезиларли. Ҳозирги замон ўзбек ёшлари «маданий портрети»ни яратиш маданий соҳада олиб бориладиган ишларни аниқлаштиради, фуқаролар, айниқса, ёшларнинг талаб, истакларини эътиборга олиш механизмини шакллантиради.

*Иккинчидан*, маънавий эҳтиёжни бир зарб билан шакллантириш мумкин эмас. Болага: «Сийқаси чиқиб кетган, миллий маънавиятимизга мутлақо алоқаси йўқ сохта эстрада ашуласини эшитма, сен ўзбек мумтоз кўшиқларини тинглагин» деганимиз билан у бизнинг раъйимизга қарамайди. Хўш, шундай ҳолатларда нима қилишимиз лозим? Бу жуда мураккаб савол. Агар ушбу саволга жавоб бўлганида бу ҳақда куйиниб гапирмаган бўлардик.

Умуман, маданий эҳтиёжни шакллантиришда у ёки бу асарнинг моҳиятини ташкил этувчи ғоя масаласига кўпроқ эътибор бериш лозим. Машҳур файласуф Шопенгауэр (1788—1860) ғояни санъатнинг предмети сифатида талқин қилади. Маънавий эҳтиёжнинг шаклланиш жараёнини ўрганишда унинг куйидаги мисоли ўта ибратли: ибтидоий даврда қадимги инсонлар, яъни овчилар овга боришдан олдин деворга овга бағишланган ҳаракатлар суратини чиқишган. Бу суратлар бошида амалий хусусиятга эга бўлган бўлса, кейинчалик бу суратларни чизган одамлар ўз яратган образларидан таъсирланиб, улар орқали ўз ичларидаги гўзал ҳис-туйғуларини ифода этишган. Демак, тасвирий санъат инсонларни гўзалликка бўлган интилишларини ифода эта бошлайди. Илк амалий мақсад йўқолиб, унинг ўрнини санъатга бўлган ҳиссиёт эгаллади. Шундай қилиб овчи рассом, мусаввир, раққос, ҳайкалтарош, шоирга айланди. Худди шу фаолият санъатнинг туғилишига туртки бўлди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Янги ва энг янги давр Фарбий Европа фалсафаси. —Т.: «Шарқ», 2002. 183-бет.

Санъаткорнинг гўзал асарлар яратишга бўлган маънавий эҳтиёжи шу тарзда рўй берган, дейишга ҳаққимиз бор. Оддий фуқаронинг ўша санъаткор томонидан яратилган асарни ўрганиш, ўзлаштиришга бўлган маданий эҳтиёжи ҳам гоё асосида шаклланади. Айримлар ҳозирги кундаги ёшларимизнинг турли «оммавий маданият» жабоҳаларига қизиқишини эҳтиёж деб баҳолайдилар. Аммо ҳар қандай қизиқиш ҳам эҳтиёж бўлавермайди. Қизиқиш — вақтинчалик, эҳтиёж — абадий.

*Учинчидан*, фуқаролар, айниқса, ёшлар маънавий эҳтиёжининг шаклланиши санъаткорнинг масъулиятига ҳам боғлиқ. Санъаткор масъулияти, энг аввало, халққа хизмат қилувчи, унинг маънавий эҳтиёжини қондирувчи, унинг кайфиятини кўтарувчи соҳага сидқидилдан хизмат қилишдир. Шу аснода таъкидлаш лозимки, ўзини санъаткор деб ҳисоблаган шахс, дейлик кўшиқчи, ўз ашуласида бирор-бир гоёни ифода эта олмаса, инсонни яхшилик, эзгуликка ундай олмаса, уни қандай санъаткор дейиш мумкин.

Аваллари Ўзбекистон телевидениесида мақом кечалари уюштирилар, лирик ашулалар дастурлари мунтазам равишда бериб бориларди. Бундай дастурларнинг йўқлиги, табиийки, ёшларда «поп», «рок» мусиқаларининг илдиз отишига сабаб бўлмаяптимики? Биз кўпинча ўзбек миллий маданиятига номуносиб асарларнинг кўпайиб бораётганлигидан норозилигимизни баён этамиз. Айни пайтда унинг ўрнига мумтоз маданиятимиз намуналарини тавсия эта олмаяпмиз.

Маданий эҳтиёж ўз-ўзидан шаклланадиган жараён эмас. У йўналтирилиши, регуляция қилиниши лозим. Акс ҳолда бир томондан ёшларимизнинг соф миллий маданиятдан йироқлашишига, бошқа томондан, миллий мазмунга ёт сохта асарларнинг кўпайиб кетишига имкон беришимиз мумкин.

*Тўртинчидан*, маънавий эҳтиёжни шакллантириш ҳар бир фуқарода зиёлилик сифатларини оширишни талаб қилади. Биз кўпинча зиёли деганда олий маълумотли, маълум мансаб-мартабага эришганларни назарда тутамиз.

Аслида-чи? «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да зиёлига ақлий меҳнат билан шуғулланувчи, илмли, ўқимишли, маъ-

рифатли сифатида таъриф берилади<sup>1</sup>. Шунингдек, Ш. Раҳматуллаевнинг «Ўзбек тилининг этимологик луғати»да ўзбек тилидаги «зийоли» сўзи арабча «зийо» сўздан олинган бўлиб, асли «ёруғлик тарқатувчи» маъносини англатиши таъкидланади. Айти пайтда бу сўз ўзбек тилида «интеллигент» маъносини англатиш учун ҳам ишлатилади.

Фуқароларда, айниқса, ёшларда маънавий эҳтиёжни шакллантириш учун уларда юқорида таъкидлангани каби, зиёлилик даражасини ошириш лозим. Зиёли фақат дипломли, юксак лавозимли киши эмас. Зиёли, шу билан бирга, маърифатли, кишиларга нур тарқатувчи, онгини ёритувчи инсонлардир. Бундайлар мамлакатимизда жуда кўп.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, совет даврида зиёлилик ёки интеллигентлик олинган диплом билан белгиланар эди. Шунинг учун ҳам ўша даврларда диплом «культ» даражасида эди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «аксарият ёшлар ҳақиқий билим ва малака орттириш мақсадида эмас, кўпроқ амалда дипломли бўлиб олиш илинжида техникум ёки институтларга кирар эди»<sup>2</sup>.

Мустақиллик йилларида бу борадаги ҳолат жиддий равишда ўзгарди. Ёшларимизда ўқиш диплом учун эмас, у ёки бу соҳанинг етук мутахассиси бўлиш учун ҳаракат эканлиги тўғрисидаги кўникма шаклланиб бормоқда. Бироқ бу жараёни жуда тезлатиш зарурати туғилмоқда.

Зиёлилик белгиси фақат диплом эмас. Диплом фақатгина мақсадга эришишнинг воситаси, холос. Аслида зиёлилик белгиси шахснинг ўзини англаши, ўзини бошқара олиши, ўзининг сифатларини ривожлантиришга эҳтиёж сезиши билан белгиланади. Қолаверса, зиёлилик сифати шахсий ва ижтимоий манфаатларни умумлаштиришга ҳаракат қилиш билан ҳам шаклланади.

Шу ўринда яна бир нарсага эътибор бериш лозим, деб ўйлаймиз. Ёшларимиз маънавий эҳтиёжини шакллантириш

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.: «Университет», 2-жилд, 2006. 147-бет.

<sup>2</sup> И. Каримов Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. 62-бет.

учун оддий кишиларнинг зиёлилик даражасини ошириш мақсадга мувофиқдир. Агар оддий инсон ўз маҳалласи, қишлоғида адолатсизликка чидай олмаса, ўз қўшниси фарзандининг шоир ёки ёзувчи бўлиб шаклланаётганини кўриб фахрланса, ўзи бирор китоб ўқиб ундан хузур қилса, жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ қарай олмаса — буларнинг бари ўша фуқаронинг зиёлилик даражасини англатади. Кишиларда зиёлилик даражасининг тобора ортиб бориши эса, жамият маънавий эҳтиёжининг шаклланаётганлигини билдиради.

*Бешинчидан*, кишиларда, айниқса, ёшларда маънавий эҳтиёжни шакллантиришда яна муҳим бир муаммо бор. Бу маънавий бойликларни ўзлаштириш ва яратиш малакасидир. Тўғри, биз буюк халқ фарзандларимиз ва фахрланишга ҳақли маданий меросимиз мавжуд. Бу нарса ўзбек халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасидир. У барча томонидан эътироф этилмоқда. Бундай маданий мерос ва бойликдан нафақат фахрланиш, айти пайтда, уни ўзлаштириш ҳам жуда муҳим. Маънавий ва тарихий бойликларни тиклаш, улардан миллий тараққиёт ва фуқаро баркамоллиги йўлида фойдаланиш йўлида жуда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди.

Аммо масаланинг иккинчи — муҳим жиҳати бор. Биз фақат аждоқларимиз томонидан яратилган бойликларни истеъмол қилувчиларгина эмас, шу билан бирга яратувчилар ҳамдирмиз.

Хўш, бу нарсанинг шаклланиши лозим бўлган маънавий эҳтиёж масаласига қандай дахлдорлик жиҳати бор? Гап шундаки, мавжуд нарсани истеъмол қилиш ҳар бир фуқарода пассивликни, турғунликни, ўз фаолиятидан қониқишни юзага келтиради. Аксинча, яратиш эса фаолликни юзага келтиради, одамларда ўзининг ҳолатидан қониқмасликни пайдо қилади. Том маънодаги ривожланиш, ҳаракат, фаоллик аслида «менинг» ҳозирги ҳолатдан қониқмаслигим, «ўзим»ни ривожлантиришга қиладиган ҳаракатим туфайли содир бўлади. Бу эса маънавий эҳтиёжни шакллантиришга рағбат беради.

*Олтинчидан*, маънавий эҳтиёж миллий-маҳаллий хусусиятларни эътиборга олишни тақозо этади. Маълумки,

Ўзбекистонда титул миллат ўзбек халқи бўлса-да, бу ерда ҳар бир минтақанинг ўз ҳудудий хусусиятлари мавжуд. Агар биз Ўзбекистон фуқароларининг маънавий эҳтиёж-ни шакллантириш мақсадида барча ҳудудларга баравар равишда бир хил муносабатда бўлсак, хато қилган бўламиз. Масалан, Сурхондарё, Қашқадарё воҳаси учун аския мактабини, Фарғона водийси учун Бухоронинг фольклор-этнографик санъати, мавриги йўналишини тавсия этадиган бўлсак — бу билан маънавий эҳтиёжни шакллантириш ўрнига унга салбий муносабат билдирган бўлишимиз тайин.

Шунинг учун ҳам мамлакатимиз фуқаролари маънавий эҳтиёжини шакллантиришда бундай ҳолга жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш мақсадга мувофиқдир. Маданият ва санъат қайси тилда, қайси мамлакатда яратилган бўлишидан қатъи назар у кишиларга бир хил тарзда таъсир этади. Яъни, маданият ва санъат инсонни улуғлайди, унинг эрки ва манфаатини ҳимоя қилади, ҳар қандай кишининг «мен»ининг шаклланишига имкон яратади.

*Еттинчидан*, фуқаро, айниқса ёшлар маънавий эҳтиёжини маъмурий йўллар билан шакллантириш жуда мураккаб йўл. Бунда асосий эътибор ташвиқот усулига қаратилиши мақсадга мувофиқ. Театр, музейлар, янги нашр этилган асарлар ҳақида қисқача маълумотномалар тайёрлаш, уларни фуқаролар орасида кенг тарғиб этиш, бунда оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш ишимизга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Албатта, ҳозир таъкидланган фикрлар бизнинг шахсий мулоҳазаларимиз. Бошқалар бизнинг бу мулоҳазаларимизга қўшилмаслиги ҳам мумкин. Аммо бир нарса тайин — ёшларимиз маънавий қиёфасини шакллантириш лозим. Бу масала ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Бошқачароқ айтганда, жамият маънавий баркамоллиги мамлакатимиз фуқаролари, айниқса ёшларининг маънавий эҳтиёжи ҳамда унинг қондирилишига боғлиқ. Маънавий эҳтиёжнинг қондирилиши тананинг эмас, руҳнинг лаззатланишидир.



## ЁШЛАР МАЪНАВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ МЕРОСИНИНГ ЎРНИ

Мустақиллик йилларида «барқарорлик» сўзи биз учун ниҳоятда зарур, айти пайтда кўп ишлатиладиган атама-лардан бирига айланди. Барқарорлик — жамиятда тинчлик, осойишталик ва ижодий меҳнат қилиш муҳитининг яратилганлигини англатади. Умуман, барқарорлик деганда биз кўпроқ жамиятдаги барқарорлик, ижтимоий барқарорлик, сиёсий барқарорликни назарда тутамиз. Бу тўғри фикр.

Айти пайтда маънавий барқарорлик тушунчаси ҳам ҳаётимизда мустақкам ўрин эгаллаб келмоқда. Таъбир жоиз бўлса айтиш керакки, маънавий барқарорлик жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий барқарорликни таъминловчи куч, унга руҳ берувчи маънавий пойдевордир.

Биз «маънавий барқарорлик»ни барпо этиш учун ҳаракат қилишимиз. Демак, бундан хулоса қилиш мумкинки, аввал маънавий барқарорлик ҳолати мавжуд бўлмаган эканда? Дарҳақиқат, шундай.

Узоқ ва яқин тарихимиз бунга гувоҳлик беради. Совет даври ҳолатини илмий жиҳатдан таҳлил этадиган бўлсак, маданият, маънавият соҳасида кучли зуғум ўтказиш, миллий маданиятни исканжага олиш, миллий ўзликни англаш жараёнини йўқ қилишга интилишни кузатишимиз мумкин. Бунинг натижасида миллий маданият катта зарар кўрди, жамиятда маънавий беқарорлик юзага келди. Бу, энди, исбот талаб этилмайдиган ҳақиқатдир.

Маънавий беқарорлик ҳолатидан маънавий барқарор жамиятга эришиш ўз-ўзидан содир бўлмайди. Қолаверса, унинг ягона, умумэтироф этилган ташхиси ҳам йўқ.

Маънавий барқарорликка жуда кўп жиҳатларни этиборга олган ҳолда эришиш мумкин. Аммо назаримизда, фуқаро, айниқса, ёшлар маънавий барқарорлигини таъминлашдаги асосий омил ўзбек миллий-маданий меросидир. Мамлакат Президенти таъкидлаганидек, «Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т.: «Шарқ», 1998. 18-бет.

Ҳақиқатан ҳам мамлакатимизда маънавий барқарорликни таъминлашнинг асосий мезонларидан бири — ўзбек миллий-маданий меросини тиклаш, ўрганишдир. Бу борада мустақиллик йилларида мисли кўрилмаган катта ишлар амалга оширилди. Аввало, маънавият, маърифат давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эълон қилинди. Совет давридаги маънавий соҳага қаратилган сиёсат инкор этилди. Маданият ва санъатнинг соф сиёсий ақидаларга хизмат қилишидан иборат анъанага чек қўйилди. Совет давридаги маданиятдан коммунистик ғоялар сиқиб чиқарилди.

Бошқача сўз билан айтганда, миллий маданиятимизда миллий руҳ ҳукмронлигига эришила бошлади. Мустақил мамлакатимизда вайрон этилган миллий қадрият, анъаналар тиклана бошлади. Энг муҳими, фуқароларимизда ўтмиш миллий-маданий меросини тиклашга, ўзлаштиришга бўлган эҳтиёж шакллана бошлади.

Шундай мураккаб шароитда ёшларимиз маънавий қиёфасини шакллантириш, пировард натижада ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий барқарорликни таъминлаш ўта муҳим вазифалардан бирига айланди. Бундай зарур сифат ўзгаришига эришиш учун эса ёшларнинг ўзбек миллий-маданий меросини ўзлаштиришига имкон бериш муҳим эди.

Қолаверса, ўзбек миллий-маданий мероси ўзининг бойлиги, ҳаётийлиги билан жаҳон цивилизациясида алоҳида ўринга эга эди. Бу аллақачон эътироф этилган ҳақиқатдир.

Шу ўринда ҳозирги даврда ёшларимиз маънавий баркамоллигини таъминлаш учун улар томонидан маънавий маданият тарихини, унинг ривожланиш қонуниятларини ўзлаштириб олиш ўта зарур эканлигини таъкидлаш лозим. Умуман, Марказий Осиё ҳар доим ҳам илм-фан, маданият ва санъатнинг гуркираб ривожланган минтақаларидан бири ҳисобланган. Мамлакатимиз ҳудудида доимо моддий ва маънавий омиллар уйғунлигига эришилган.

Унумдор ерлар, серсув дарё, кўллар, меҳнаткаш халқ ушбу ҳудудда мустақкам иқтисодий асосни вужудга келтирган. Шундай шароитда иқтисодий омиллар юксак маънавий-маданий бойликлар яратишга имкон яратган.

Айниқса, «Шарқ Ренессанси» деб аталган IX—XV асрлар Марказий Осиё тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Умуман, ёшларимиз ўзларида юксак маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга ҳаракат қилишар экан, албатта, ўзбек миллий-маданий мероси, унинг тарихини билиши, ўзлаштириши лозим, зеро бундай билим уларни келажакдаги фаолиятига куч-қувват беради.

Ўзбекистон маданиятининг ривожига ҳақида гапирганда, араблар истилоси давридан бошлаб, бу ерда ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги силжишлар ва уларнинг жамият маънавий турмушига ўз ижобий таъсирини кўрсатганлиги хусусида фикр юритиш мушкулдир. Жумладан, VIII асрнинг иккинчи ярми IX асрнинг биринчи ярмида дунёвий билимлар ривож топди, улар ҳаётда тобора кўпроқ аҳамият касб эта бошлади.

Айрим тадқиқотчилар дунёвий билимларнинг ривожланишини ижтимоий омил — араблар зулмига маҳкум бўлган халқларнинг ислом билан тўхтовсиз курашига боғлайди. Мазкур кураш дунёвий билимларнинг тараққиёти учун имкон берган Марказий Осиё, Ҳинд, Эрон ва Юнон илмий фикрларининг ютуқларини кенг ёйишга олиб келди. Айниқса, юнон муаллифларининг ишларига эътибор катта бўлди. Катта ҳажмдаги таржимонлик иши туфайли кўпгина қадимги юнон муаллифларининг ишлари: Афлотун («Қонун» ва «Тимей»), Арасту («Сиёсат», «Категориялар», «Аналитика», «Жон ҳақида», «Этика»), Теофраст Дрокл, Александр Афродизий, Порфирий асарлари, Суқрот («Оғир касалликлар», «Инсон табиати»), Жолину («Хунар», «Қон томири ва касалликларини даволаш», «Анатомиялаштириш»), Батлиму («Буюк қурилиш»), Архимед («Шар ва цилиндр тўғрисида», «Туташувчи доиралар»), Аристарх Самосский ва бошқаларнинг асарлари машҳур бўлиб қолди. Маъмур халифалик қилган даврда катта кутубхонага эга бўлган ўзига хос фанлар академияси — «Донолик уйи» нинг фаолияти гуллаб-яшнади<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> *Искандаров Б.* Ўрта Осиёда фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фикрнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихидан лавҳалар. — Т.: «Ўзбекистон», 1993. 14—15-бетлар.

Ёшларимиз Марказий Осиёда IX—X асрлардаги дунёвий билимлар хусусида фикр юритганда машҳур астроном ва математик Аҳмад Фарғоний (801 йилда вафот этган), Муҳаммад Хоразмий ва айниқса, Марказий Осиёнинг буюк уч алломаси — Форобий, Беруний, Ибн Синоларнинг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашларини мукамал билишлари мақсадга мувофиқ бўларди. Уйғониш даври деб ном олган мазкур босқичнинг илк даври айнан алломаларнинг фаолияти билан бевосита боғлиқдир.

Манбаларда «Ал-файласуф ат-туркий» деб юритилган Форобийнинг миллати турк бўлиб, Мовароуннаҳрда Фороб вилоятининг Васиж қишлоғида 870 йилда туғилган. Марвда, сўнгра Бағдодда таҳсил олган, Абу Башир Матто бин Юнусда мантиқ дарсини ўқиган. Ўз илмий ижоди даврида буюк олим 160 дан ортиқроқ асарлар яратди, «Афлотун қонуниятларининг моҳияти», «Нуфузли шаҳар аҳолисининг маслағи», «Бахт-саодатга эришув ҳақида» каби тадқиқотлар муаллифи бўлди.

У ўзининг кўп қиррали ижоди билан келажак авлоднинг билим ва маданиятга эришишида инсон камолотига алоҳида эътибор берди.

Форобий учун инсон шунчаки бир биологик мавжудот эмас, у ўз моҳиятига кўра, ақл-идроки туфайли ҳайвонот дунёси чегараларидан ташқарига чиқади, унинг ақл-идроки меҳнати билан бир қаторда уни ижтимоий жиҳатдан фаол қилиб кўяди. Инсоннинг ҳаёти стихияли эмас, балки онгли ва аниқ мақсадни кўзлаган бўлади. Форобий ижтимоий-фалсафий қарашларида инсоннинг барча ахлоқий имкониятларини бахтга эришишдан иборат бирдан-бир мақсад меваси деб билади. Унинг фикрича, бир кишининг бахти бошқаларнинг шахсий роҳат-фароғатга эришишининг зарур шартидир. Ижтимоий ва шахсий жиҳатларнинг бирлиги орқалигина ялпи бахтга эришилади.

Хоразмда туғилиб ўсган Абу Райҳон Беруний (973—1048) тарих, минералогия, астрономияга оид бир қатор асарларни араб тилида ёзди, зеро бу тил араб халифалиги даврида фан тилига айланган эди. Унинг «Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар» асарида ёзма, халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганиш асосида эронийлар, суғдлар,

хоразмийлар ва арабларнинг ислом динигача бўлган эътиқодлари тўғрисида, математика ва география тушунчалари хусусида фавқулодда қимматли тарихий маълумотлар берилади. Алломанинг ўз яшаган даври табиатшунослиги, фалсафаси, тарихи ва адабиётининг долзарб муаммоларига бағишланган 150 дан ортиқ асарлари мавжуддир.

Берунийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари инсонпарварлик ғоялари билан суғорилгандир. У инсон фақат ўзи учун яшамаслиги, у умумбашарий бир борлиқ эканлиги, маданий алоқалар зарур ва инсонлар бир-бирига ёрдам беришлари кераклигига ишора қилади. Инсон унинг фалсафасига асосан пок, ахлоқли, гўзал бўлиши лозим.

Марказий Осиё Уйғониш даври маданиятининг энг йирик арбобларидан яна бири жаҳон маданияти тарихидаги буюк файласуф, тиббиётчи, фалакиётчи, табиатшунос, мусиқашунос, ёзувчи ва шоир, бухоролик олим Абу Али ибн Синодир (980—1037). Форобий «Муаллими ассоний» («Иккинчи муаллим» — «Иккинчи Арасту») бўлса, Ибн Сино «Шайхул раис» — олимлар бошлиғи, «Табиблар подшоси» деб ном қозонди.

Абу Али ибн Синонинг табобат соҳасидаги асарлари, жумладан «Китоб ал қонун фит тиб» китоби нафақат бизнинг ўлкада, шу билан бирга Европа давлатларида ҳам машхур бўлиб, Лион, Рим, Неаполь, Венеция, Лувен ва бошқа шаҳарларда лотин тилида 30 мартадан ортиқ қайта нашр этилди. Олимнинг «Китоб аш-шифо», «Донишнома», «Нажот», «Китоб ал-ишорат» каби асарларида унинг фалсафий қарашлари баён этилган.

Ибн Сино ўз ҳаёти давомида 200 дан зиёд илмий асарлар яратган бўлиб, уларнинг 58 таси фалсафа, 20 таси тиббиёт, 11 таси астрономия, кимё, физика, 4 таси шеърят, 2 таси педагогика ва бошқаларга бағишланган бўлиб, уларнинг асосида инсон, унинг ақл-заковати, фаросати, тарбияси алоҳида ўрин эгаллайди<sup>1</sup>. Ўз тарбия тизимини яратган аллома ушбу жараёни ақлий, жисмоний, ахлоқий, нафосат ва меҳнат тарбияларининг бир бутунлиги ташкил этади деб кўрсатади. Унинг фикрича, болани бир-

<sup>1</sup> Педагогика тарихидан хрестоматия. — Т.: «Ўқитувчи», 1993. 37-бет.

дан китобга банд қилиб қўймаслик, ўқиш аста-секин, енгилдан оғирга қараб бориш орқали олиб борилиши керак, ўқувчилар билан олиб бориладиган машқлар уларнинг ёшига мос бўлиши, ўқувчиларнинг майл ҳамда қобилиятларини ҳисобга олиши зарур.

Марказий Осиё халқлари маданиятини ўрганишда 1021—1022 йилларда Каспий денгизининг жанубий қирғоғида яшаган ва 44 бобдан иборат «Қобуснома» ни яратган Кайковус ижодий фаолиятини таҳлил этиш ҳам жуда муҳимдир. Бунда муаллиф ўзининг ҳаётий тажрибалари билан ўғли Гилоншоҳни тарбиялашни истайди ва панд-насихатларни ўғли учун энг қимматбаҳо мерос деб таъкидлайди. Чунончи, у ота ва она ҳақини билмак зикрида шундай дейди: «Эй фарзанд, билгилки, ақл юзасидан фарзандига ота-онани иззат ва ҳурмат қилиш вожибдир, нединким унинг асли — ота ва онадур. Ота ва онани нима учун ҳурмат қилурман деб кўнглингга келтирмагил, билгилки, улар сенинг учун ўлимга ҳам тайёр турадилар. Ҳар фарзанд оқил ва доно бўлса, ҳеч вақт ота-онанинг меҳр ҳақини адо қилмакдан холи бўлмағусидир.

... Ота-онага иззат ва ҳурматни қанча кўп қилсанг, уларнинг сени ҳақингдаги дуоסי шунча тезроқ мустажоб бўлур. Зинҳор мерос олмоқ ҳирси била ота-онанинг ўлимини тиламагилки, чунки ота-она ўлмай юрсалар ҳам ризқинг етишаверади...»<sup>1</sup>.

Шу ўринда VIII асрдан бошлаб Марказий Осиёда феодализм ривожлана борганлиги, IX—X асрлардан бошлаб эса ўлка яна мустақилликка эришганлиги натижасида бу ердаги ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёт янги сифатлар билан, ислом мафкураси асосида ривож топа бошлаганлигини таъкидлаш жоиздир. Айниқса, тасвирий ва амалий санъат, меъморчиликда нодир асарлар юзага кела бошлади. Биз юқорида келтирган мисоллар ўлкамизнинг мазкур даврга келиб жаҳон маданияти ва фанининг йирик марказларидан бирига айланганлигидан далолат беради. Бухоро эса сомонийлар даврида улуғворлик маркази, подшоликнинг замини, муқаддас замоннинг донгдор вакиллари ижод

<sup>1</sup> Педагогика тарихидан хрестоматия. — Т.: «Ўқитувчи», 1993. 43-бет.

қиладиган замон, бутун ер юзи адабиётининг ажойиб юлдузлари туғиладиган жой ва ўша замон алломаларининг маркази бўлиб қолди.

Чунончи, ушбу даврнинг энг нодир ёдгорлиги сомонийлар мақбарасидир. Мақбара ҳақли равишда жаҳон меъморчилик санъатининг ёдгорлиги ҳисобланади. Бу ёдгорлик дастлаб ўзининг соддалиги ва тузилишининг аниқлиги, нисбатларининг ниҳоятда мутаносиблиги ва меъморлик шакл безагининг бир-бири билан ниҳоятда нафис уйғунлашиб кетганлиги билан ажралиб туради. Мақбара асоси тўртбурчак бўлиб, унинг ҳажми катта эмас (7,20×7,20 м), тўрт томонида найзасимон аркли эшик мавжуд. У ташқи томонидан тепага бир оз торайиб борувчи куб ва унинг устига ўрнатилган ярим айлана шаклидаги қозонни эслатади. Бинонинг ташқи девор юзаси пишиқ гиштнинг турлича тахланиши ҳисобига бадиийлаштирилган. Гиштнинг гоҳ ён, гоҳ бурчак қилиб қўйилиши юзада ёруғ-соя ўйинини ошириб, унинг хушманзара бўлишини таъминлаган. Бу ёруғ-соя ўйини эса, қуёш нурининг ўзгариши билан турланиб туради ва бинога ҳар сафар такрорланмас жозиба беради. Бир оз мунгли кўринган бино абдий уйқудагилар учун ниҳоятда мунгли сукут сақлаётгандек туюлади<sup>1</sup>.

Бундай ҳолни Туркманистондаги Доя хотин, Султон Санжар, Бухородаги Рабати Малик, Калон мачит, Магоки, Агтори мачит, Термиздаги сарой қолдиқлари, Жарқўрғон минораси, Хоразмдаги Фахриддин Розий, Текеш мақбараларида учратиш мумкин.

Ижтимоий ҳаётдаги ҳодиса ва воқеаларни холисона равишда талқин этишда адабиётнинг роли ва ўрни катта эканлигини эсдан чиқармаслик лозим, зеро, адабиёт маданиятнинг моҳиятини ташкил этади ва унинг кўзгусидир. Воқеалар адабий жараённинг узоқ давом этганлигини, халқ тилининг узил-кесил шаклланиши ва она тилидаги адабиётнинг юзага келиши тараққиётнинг узоқ даври маҳсули эканлигини англатиб турибди. Ана шу аснода, X—XII асрларда туркий тилда юзага келган адабий асарлар шу

<sup>1</sup> Абдуллаев Н. Санъат тарихи. — Т.: «Ўқитувчи», 1980. 178-бет.

оилага мансуб бўлган барча халқларнинг муштарак мероси сифатида қабул қилинади. Чунончи, XI асрнинг машҳур тилшунос олими Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асаридан ўрин олган адабий лавҳалар, халқ оғзаки ижоди намуналари бўлмиш шеърий парчалар туркий халқларнинг ота-боболари яратиб қолдирган мерос сифатида қабул қилинганидек, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳабатул-ҳақойиқ» каби асарлари ҳам туркий халқларнинг умумий бойлигидир.

Туркий тилдаги адабиётнинг ривожланишида Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари катта ўрин тутди. 1069—1070 йилларда ёзилган мазкур асар фалсафий-дидактик асар бўлиб, у 73 бобдан иборат. Асар бир пайтнинг ўзида бир неча вазифаларни бажаришга қаратилгандир. Унда бир томондан мамлакатни сиёсий жиҳатдан жипслаштириш, қорахонийлар давлатининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш вазифаси олға сурилган бўлса, бошқа томондан мамлакат аҳолисини ўзаро иттифоққа ундаш, энг яхши инсоний хислатларни тарғиб қилиш, шоир сифатида қалбини ҳаяжонга солаётган масалаларни ўртага қўйиш ҳам туради.

Асардаги тарихий-этнографик маълумотлар XI асрдаги жамият ва унинг аъзоларига хос бўлган яшаш тарзи, урф-одатлари, дунёқарашлари, тафаккур тарзлари ҳақида бой материаллар беради. Туркий ёзма адабиётдаги маснавий жанри, хусусан, туркий ёзма дostonчилиги «Қутадғу билиг» XI асрдаёқ мустақил тараққиёт йўлига чиқиб, туркий дostonчиликнинг ўзига хос томонларини кўрсатиб, намоён қилиб бера олди. Мумтоз адабиётимиздаги рубоий шакли такомилида ҳам «Қутадғу билиг» нинг халқ анъаналарига таянган тўртликларининг ўрни беқиёс. Туяқ, қасида жанрлари ҳақида ҳам ана шундай фикрни билдириш мумкин.

Муаллиф шоирлар ҳақида ёзаркан, уларни «сўз терувчилар» деб баҳолайди. «Тиллари қиличдан ўткирроқ», «Хотир йўллари қилдан ҳам ингичкароқ» эканлигини алоҳида уқтиради. Қалам аҳлини денгизга кириб, гавҳар, ёқут, инжу олиб чиққан гаввосларга қиёслайди.



Агар шу мезондан келиб чиқиб баҳоланадиган бўлса, «Кутадғу билиг» ана шундай инжуларнинг ўзига хос хазинасидир<sup>1</sup>.

XII асрда Ўзбекистон маданиятининг умумий ҳолатини ҳозирги Туркистонда туғилган Аҳмад Яссавий ва унинг ҳикматларисиз тасаввур қилиш қийин. Яқин-яқингача ҳам унинг ижодига бир томонлама, коммунистик мафкура нуқтаи назаридан баҳо бериш устувор характерга эга эди. Бироқ, миллий қадриятларимизнинг тиклана бориш жараёни Яссавий ва унинг ижодига бўлган бизнинг муносабатимизни ўзгартириб юборди.

Таниқли адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққулов фикрича, диққат билан мушоҳада юритилса, Яссавийнинг диний-ахлоқий фалсафасида дунёдан юз бурилмайди. Ёмонлик, нодонлик, жаҳолат, молпарастлик иллатларига ривож берган тубан дунёни юракдан қувишга даъват этилади. Айнан шу маънода шоир сўзлари инсон қалбида ғалаён кўзгайди. «Ноҳақ даво қилғон» қози, имомлар, «ҳаром еган ҳокимлар», «дунё менинг» деб «жаҳон молин» йиққан амалдорлар, «оҳин қаро қилғон» муллаю мударрислар, эл устига миниб олиб «тотлиғ-тотлиғ» деб, «турлук-турлук кийинган» ларга қарши кўнгилда нафрат уйғотади.

Яссавий ўзи билан ўзи беомон курашадиганлар ижодкори сифатида жуда эътиборли. У одамга ўз-ўзини кечирмаслик сирларини ўргатади, шоир ўз қалбининг энг чуқур жойларига назар ташлашни тарғиб этади. Шунинг учун ҳам унинг ахлоқий эътирозида шахснинг маънавий илоҳий камолотига тўсиқ бўладиган инсондаги салбий хусусиятлар таҳлили табиий равишда изчилланиб боргандир. Баъзан ундаги ошқоралик талабларига чидаш мушкул. Буни бадбинлик деб англаш эса нотўғридир. Яссавий ҳикматларида бадбинликмас, ғамгинлик, маърифатли руҳни суяйдиган дард ва фарёд борки, улар инсоннинг ҳиссиёт фожиаларини эрта англашга хизмат қилади<sup>2</sup>. Ҳикматлар ёзилган пайдан бери 800 йил ўтди. Бироқ уларнинг ба-

<sup>1</sup> Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» асари. — Т.: «Чўлпон», 1991. 5-бет.

<sup>2</sup> Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. — Т.: «Адабиёт ва санъат нашриёти», 1991.

дий-маънавий аҳамияти йўқолгани йўқ, аксинча, у чархланиб, тобора ярқираб бормоқда, ўзбек тили тарихида қадимги ёзма обидалардан бири сифатида аҳамияти тобора ошиб бормоқда.

Ёшларимиз шуни билишлари лозимки, IX асрнинг охириларида бошлаб бутун Яқин ва Ўрта Шарқда, чунончи Марказий Осиёда маданий ҳаёт ниҳоятда ривожланди. Ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамияти жиҳатидан ҳаммани, жумладан, илм аҳллари ни лол қолдириб келаётган асарлар, нодир қўлёзмаларнинг мавжудлиги бунга далилдир. Ўша пайтларда Марказий Осиё олимлари ҳақида батафсил ахборот берадиган манбалар чоп этилганлигини ҳам шу маънода тушуниш маъқулдир. Булар орасида, айниқса, Али Ҳасан Зайда ал-Байҳақи (1106—1179), Жамолиддин Ибн ал-Кифти (1172—1248), Ибн Аби Усайба (1203—1270), Ибн Халликон (1211—1262) ва бошқалар томонидан ёзиб қолдирилган манбалар илмий жиҳатдан қадрлидир.

Шу ўринда Ибн ал-Кифтининг «Файласуфлар ҳақида тарих» («Тарих ал-хукама») асари хусусида айрим маълумотларни таъкидлаб ўтиш жоиздир, зеро ушбу тадқиқотда қатор мамлакатлардаги антик даврдан то XIII асргача ижод қилган 414 файласуф, табиб, математик, астроном, шоирлар биографияси алоҳида таҳлил этилгандир. Чунончи, «Тарих ал-Кифти»да Марказий Осиёда ижод қилган Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ибн Абдулла ал-Бағдоди, Жаъфар ибн Муҳаммад Абу Машъар ал-Балхий, Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Мерван ибн ат-Тайиб ас-Сарахсий, Абу Наср Форобий, Абул Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Йахий ибн Исмоил ал-Бузжоний каби кўплаб алломаларнинг илмий ижоди батафсил ўрганилган, уларнинг Ўзбекистон маданияти тарихида тутган ўрни белгилаб берилган.

Тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, ал-Кифти қўлёзмалари 20 жилддан ортиқ бўлиб, уларнинг аксарият қисми йўқ бўлиб кетган ва айримларигина Берлин, Вена, Лейден қўлёзма институтларида сақланиб қолган, холос<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> «Тарих ал-Хукама» ибн ал-Кифти — ценный источник по истории культуры Ближнего и Среднего Востока XII—XIII веков. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали. 1985, № 10. 38-бет.

Ўзбекистон тарихи, маданиятини ўрганишда XI—XII асрларда Марказий Осиё халқларининг маданий турмушида рўй берган янги ижтимоий ҳодисалардан бири — давлат архивлари ва кутубхоналарни барпо этиш масаласини билиш ҳам муҳимдир. Ўлкамизда бу давргача ҳам қатор кутубхоналар бўлганлиги маълум. Бироқ уларнинг кўпчилиги турли низолар, ўзаро урушлар, айниқса, араблар истилоси даврида вайрон этилиб, йўқ қилинганди. XI—XII асрларга оид кутубхоналар ҳақида эса маълумотлар муфассал ҳолда сақланиб қолган. Ҳазнавийлар даврида Хоразм, Рей, Ҳамадон, Исфакон сингари йирик шаҳарларнинг кутубхоналари Хуросондаги барча истеъдодли ва ўқимишли кишиларни ўзига тортувчи марказлар бўлиб қолган эди<sup>1</sup>.

Марказий Осиё йирик маданият маркази бўлганлигига мўғуллар истилоси арафасида Марвда ўнта жуда йирик кутубхона бўлганлиги ҳам гувоҳлик беради. Улардан бири — шаҳарнинг Азия мадрасаси ҳузуридаги кутубхонада 12 минг жилдга яқин китоб бор эди. Бундан ташқари, Шараф-ул мулк, Амадия, Хитиния мадрасалари ҳузурида ҳам кутубхоналар бўлган. Хонақоҳлардан бирида Думария номи билан машҳур бўлган кутубхона бор эди. Бу кутубхоналарда Бегрунийнинг 30 дан зиёд илмий рисоласи сақланган<sup>2</sup>.

Шаҳобиддин Хавоқийнинг Урганчдаги кутубхонаси ҳам машҳур ҳисобланган. Тарихий ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, Марказий Осиёнинг жуда кўп йирик шаҳарларидаги масжид ва мадрасалар ҳузурида ҳам кутубхоналар бўлган. XIII асрда Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Балх ва бошқа шаҳарлар чинакам маданият марказлари, олимлар тўпланадиган жой бўлиб, уларда жуда бой кутубхоналар мавжуд эди.

Ёшларимиз ўзбек миллий маданияти жуда катта қийинчиликлар, йўқотишларни бошидан кечирганлигини ҳам билишлари лозим. Чунончи, мўғуллар истилоси туфайли фан ва адабиётга катта зарар етказилди. XIII аср ва XIV

<sup>1</sup> Семёнов А.А. Очерки исторической науки в СССР. В: П. I. — М., 1955. С. 155.

<sup>2</sup> Қосимова О. Ўзбекистонда кутубхоначилик тарихи. — Т.: «Ўқитувчи», 1992. 7-бет.

асрнинг бошларида эса адабиёт (асосан мўғуллар томонидан забт этилмаган жойларда), Кичик Осиё, Эроннинг жануби ва Ҳиндистонда равнақ топди, холос. XIV асрнинг охирига келгандагина Мовароуннаҳр ва Хуросон яна адабий-маданий марказларга айлана бошлади.

Шу ўринда Чингизхоннинг Бухорони босиб олиши, бу ердаги хунрезликлари хусусида икки оғиз гапириш жоиздир, зеро шунинг ўзи ҳам босқинчиларнинг ўлкамизда олиб борган талон-торождлари хусусида умумий тасаввур беришга имкон яратади. Чингизхон 1220 йили ўз қароргоҳини Бухоро деворлари ёнига тикади. Бухоро аҳлидан таркиб топган, оз сонли қўшинлар тор-мор этилади. Шаҳар аҳолиси даҳшатга тушиб, ўз вакилларини Чингизхон ҳузурига шафқат сўраб юбордилар. Чингизхон, унинг ўғли Тули ҳам халқ вакиллари билан шаҳарга киради ва босқинчининг кўзи, энг аввало, улуғ Сомоний тарафидан муҳташам безаклар билан қурдирган жоме масжидига тушади.

Отдан тушган Чингизхон минбарнинг бир неча зинасидан кўтарилади ва ортда турган ўз лашкарларига қарата «ўтлоқ ўрилди, отларингизга ем берингиз», дейди. Бу талон-торожни бошлашга бўлган ишора эди.

Истилочилар барча уйларни вайрон қилдилар, ҳамма сандиқларни буздилар. Беҳисоб хазиналар таланди. Кўринишдан ҳеч бир қиймати бўлмаган муқаддас нарсаларни ҳам аямадилар. Китоблар йиртилиб, ҳайвонлар оёғи остига сомондек сочилди. Муқаддас китоблар сақланган сандиқларни отларга охур сифатида ишлатдилар. Илм юлдузлари бўлган муллалар, шайхлар қуллар каби, эътиборли жангчиларга хизматкор қилиб, гоҳо эса, мўғул бахшиларига масхара учун берилди. Кўпгина мўътабар қозилар эшак ва хачир боқишга мажбур қилинди.

Ўзбекистон тарихининг XIII—XIV асрлардаги маданий ҳаётини ҳар томонлама тасаввур этишга имкон берувчи бир қатор асарлар мавжуд эканлигини эсдан чиқармаслик муҳимдир. Шу ўринда Рашидиддиннинг ташаббуси ва бевосита иштироки билан яратилган «Жомеут-таворих», Жувайдийнинг «Тарихи жаҳонгўша», Банокатийнинг «Равзатул-асбоб фит-таворихул ақобир вал ансоб», Ҳамидул-

лоҳ Мустафий Қазвинийнинг «Нузҳат ал-қулуб» каби асарларини ёдга олиш бизнинг ўша давр маънавий ҳолатини тушунишимизда муҳим аҳамиятга эгадир<sup>1</sup>.

Мўғуллар истилоси туфайли вайрон бўлган маданий ҳаёт XIII асрнинг охирларидан яна тиклана борди. XIV асрнинг ўрталарига келиб эса, Марказий Осиёнинг Самарқанд, Бухоро каби шаҳарлари ва шаҳарга яқин турган қишлоқларида ҳунармандчилик бирмунча ривожланди. Савдо қарвон йўлида жойлашган Урганч бу даврда ўзининг кўпгина қадимги анъаналарини тиклаб олди.

Марказий шаҳарларда маданий ҳаётнинг бирмунча жонлана бошлаганлигини дастлаб меъморчилик соҳасидаги изланишлар ва уларнинг самараларида кўриш мумкин. Тарихда Олтин Ўрда номи билан маълум бўлган ва Хоразмни ўзида бирлаштирган мўғуллар давлатига қарашли шаҳарларда олиб борилган қурилишларда ҳам Марказий Осиё меъморчилик санъатининг излари сезиларди. Олтин Ўрдада Хоразм адабиёти таъсирига мойиллик кучли бўлган. XIV асрда мамлюклар салтанати ҳукм сурган Миср ва Суриянинг Халаф, Шом ва Қоҳира каби марказларида ҳам туркий халқлар маданиятининг излари сезиларли бўлганидан бу ерларда эски ўзбек тилида бир қатор бадиий асарлар яратилди.

Биз ўрганаётган ушбу даврда ўзбек адабиёти, айниқса, унинг янги бадиий шакллари — ғазал, қасида, рубоий, соқийнома, маснавий анча кенг ривожланди. Чунончи, ўзбек адабиёти тарихида ғазалнинг кенг тарқалиши XIII—XIV асрларга тўғри келади. XIV асрда ўзбек адабиётининг йирик ғазалнависларидан бири Сайфи Саройи эди. XIV асрда яшаб ижод этган Мавлоно Абдулмажид, Мавлоно Хожа Исҳоқ Хоразмий, Туғли Хожа, Аҳмад Хожа ас-Саройи, Мавлоно Имод Мавлоний, Мавлоно қози Муҳсин Хожамий каби назм соҳибларининг туркий тилда битилган ғазаллари ҳам бу фикрни яна бир қарра исботлайди.

Ўзбек адабиётида кенг тарқалган жанрлардан бири рубоий эди. Сайфи Саройи, Мавлоно Хожа Исҳоқ ижодий

<sup>1</sup> *Вамбери Х.* Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. — Т.: «Адабиёт ва санъат нашриёти», 1990. 22—23-бетлар.

мерослари орасида бирмунча рубоийлар мавжудлигидан ташқари «Қиссаи Рабғузий» асарининг таркибида рубоий жанрига ҳам анча катта аҳамият берилганлиги кўринади. Шу билан бирга, XIV асрда Хоразмда яшаб ижод қилган файласуф шоир Паҳлавон Маҳмуд ижодида рубоий жанрининг етакчи ўрин эгаллаганлиги назарда тутилса, XIV аср лирикасининг бой манзараси яна равшан бўлади. Адиблар лириканинг деярли барча шаклларига мурожаат этганлар. Уларнинг асарлари ўртасида ўзбек, форс-тожик, ҳатто араб тилидан фойдаланиб яратилган муламма (ширу шакар) лар мавжуд. Ўзбек ва араб тилларида яратилган муламма намунаси «Қиссаи Рабғузий»да ҳам учрайди. XIII—XIV асрларда яшаб ижод қилган Лур Баҳоий, Муҳаммад ас-Самарқандий каби муаллифларнинг бир йўла тўрт тилда: ўзбек, форс-тожик, араб ва мўғул тилларида муламма яратганликлари тўғрисида маълумот бор<sup>1</sup>.

Шу билан бирга, бу пайтдаги ўзбек адабиётида масалчилик, номалар, дostonлар ҳам кўп учрайдики, буларнинг бариси маданиятимиз тарихи ниҳоятда сермазмун эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон маданияти тарихида Амир Темур ва Темуррийлар даври катта ўрин тутди.

Яқин-яқингача ҳам Темур шахсига бир ёқлама, мавжуд ҳукмрон мафкура нуқтаи назаридан баҳо бериш оқибатида у яшаган давр маданий ҳаёти, буюк яратувчиликдан иборат фидойиликка соя ташланди, у камситилди. Энди эса, бу нарсага холисона баҳо бериш имкони туғилмоқда.

Марказий Осиё маданияти тараққиётининг муҳим босқичи ҳам XIV асрнинг 70-йилларидан, Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келганидан сўнг бошланганлиги сир эмас. Бу пайтда Самарқанд Шарқдаги йирик империянинг марказига айланди. Ўз империяси пойтахти бўлган Самарқанднинг шуҳратини оширишга ҳаракат қилиб, Амир Темур ўзга юртлардан моҳир усталарни келтирди.

Темур ҳар бир ҳарбий ютуқни бир меъморлик асарини бунёд этиш билан нишонлашга аҳд қилди. Шу мақсадда Ҳиндистоннинг юзларча моҳир гишт терувчиларини, Ше-

<sup>1</sup> «Ўзбек адабиёти тарихи» — Т.: «Фан», 1977. 178-бет.

роз, Исфаҳон ва Дамашқнинг машҳур усталарини Мовароуннаҳрга келтирди, улар гўзал иморатлар қурдилар.

Муслмон Осиёси икки юз йил мобайнида турк қўшинларига лашкаргоҳ бўлганига, бу қитъада — Темур салтана-тида асарлари билан бизни ҳайратга солган рассомлар, меъморлар ва бошқа санъат аҳли доимо ижод қилганига мазкур иморатлар шоҳиддир. Нақадар ваҳший этиб тасвирланган жаҳонгирнинг дилида гўзаллик ва юксакликка муҳаббат шу қадар кучли эдики, бунга унинг даврида яратган санъат ва меъморий асарлари далилдир. Темур гарчи ўз мамлакатининг бошқа шаҳарларида бинолар қуришга амр этган бўлса-да, масалан Табризда масжид, Шерозда сарой, Бағдодда мадраса, Туркистонда машҳур шайх Аҳмад Ясавий қабри устида мақбара бино қилдирса-да, лекин ўзининг буюк саховат ва ҳимматини Кеш ва Самарқандда олий асарларини қурдиришда кўрсатди. Ўзининг она-Ватани ва ўзининг мангу истироҳгоҳи бўлишга тайин қилинган шаҳарда, отасининг қабри устида мақбара қурди. Ушбу масжиднинг кенг ҳовлисида муллалар фаровон яшаб, марҳумларнинг руҳини шод қилиш учун кеча-кундуз қуръон тиловати билан машғул бўлдилар. Кеш шаҳри Марказий Осиёнинг маънавий марказига айланди. Шу боис бу шаҳар «қуббатул илм ва адаб» унвонига эга бўлди<sup>1</sup>.

Испания қиролининг элчиси Клавихо (1403—1406) Амир Темур саройида мингта ҳунар эгасининг махсус корхоналарида қурол-яроғ, кийим-кечак тайёрлаш билан машғул бўлгани ҳақида маълумот берди. Тарихчи ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Темур Самарқанд атрофида қатор шаҳарчалар бунёд этиб, уларга дунёнинг машҳур шаҳарлари номини берган: Миср, Дамашқ, Бағдод, Султоний, Шероз, Фориш (Париж) ва ҳоказо. Самарқанд аҳолиси муайян ҳунар билан шуғулланувчи маҳаллаларда (Заргарон, Кулолон, Аллофон, Сўзангарон) истиқомат қиларди. Амир Темур ҳаётлигида Шоҳи Зинда, Бибихоним, Кўк сарой, Оқсарой, Гўр Амир, Руҳобод каби меъморчилик иншоотлари қурилди. Самарқанд атрофида Боғи майдон,

<sup>1</sup> *Вамбери. Х.* Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. — Т.: «Адабиёт ва санъат нашриёти», 1990. 22—23-бетлар.

Боғи нақши Жаҳон, Боғи баланд, Боғи дилкушо, Боғи биҳишт, Боғи шамол сингари ўнлаб чорбоғлар қурилди. Улар ўз даврининг гўзал санъат намуналари ҳисобланган.

Темур даври, маданияти, Соҳибқирон шахси ҳақида тўғри, холисона тасаввур ва билимга эга бўлиш ҳам ниҳоятда муҳимдир. Чунончи, Темурга бағишланган қатор ёзма ёдгорликлар, жумладан, унинг бизгача етиб келган «Таржимаи ҳол»и рус ва 70 йиллик совет тарихнавислигида ўрнашиб қолган қарашларнинг кўп жиҳатдан хато эканлигини кўрсатади. Эндиликда Темурнинг асл сиймосини тўғри ва одилона ёритиш вақти етди.

Темур шаънига ёғдирилган бўхтонларнинг бирида у ўқиш ва ёзишни билмаган саводсиз қилиб кўрсатилган эди. Шу сабабли Темурнинг «Таржимаи ҳол»и дастхатига ҳам шубҳа туғдирилган, у бундай нарса ёзмаган, кейинчалик кимдир унинг номидан ёзган, деб қораланган эди. Бироқ «Таржимаи ҳол»нинг мавжудлиги ва унда келтирилган ҳужжат ва далиллар бундай қарашнинг асосsizлигини исботлайди. Темурнинг «Таржимаи ҳол»и аслида чигатоий туркий тилида ёзилган бўлиб, ким томондандир ўрта асрлардаёқ форс тилига ағдарилган. Сўнг асл туркий нусха йўқотилган ва у ҳижрий 1251 (милодий 1835) йили Хўқанд хони Сайид Муҳаммад Алихон (Мадалихон)нинг буйруғи билан Набижон Хатиф Хўжандий томонидан ўзбек тилига қайта таржима қилинган. Бу таржимани Н.П. Остроумов 1891 йили Тошкентда нашр этди. Н. Ликошин 1894 йили Тошкентда «Таржимаи ҳол»нинг русчага ўгирмасини чоп этди. Кейинчалик, 1934 йили В.А. Панов асарнинг ўзи бажарган русча таржимасини Москвада нашр этди. Бироқ, афсуслар бўлсинки, Сталин қатағони йилларида Темур «Таржимаи ҳол»и уни «ёвуз, қонхўр ва саводсиз босқинчи» образини яратишга халақит бериши сабабли деярли барча қўлёзма нусхалари ва ўзбекча, русча нашрлари йўқ қилинган бўлиб, фақат Москва ва Санкт-Петербургдаги махсус фондларда уларнинг биттадан нусхаси сақланади.

Ёшларимиз маънавий қиёфасининг шаклланишида Темур тузукларининг ўрни ҳам беқиёсдир. «Тузуки Темурий» («Темур тузуклари»), «Малфузоти Темурий» (Темурнинг айтганлари) ва «Воқиоти Темурий» (Темурнинг бо-



шидан кечирганлари») номлари билан аталмиш бу асар эътиборга молик тарихий манбалар жумласидандир. Унинг нусхалари (қўлёзмалари ҳам, тошбосмалари ҳам) кўп тарқалган. «Темур тузуклари» бутун жаҳоннинг кўпгина давлатларида, масалан, Англия, Франция, АҚШ, Дания, Эрон, Ҳиндистон, Миср, Туркия кутубхоналарида сақланмоқда. Асарда муҳим маълумот, фактлар кўпдир. Авваламбор, «Темур тузуклари» Амир Темурнинг тарихи, унинг замонида, аниқроғи, 1342—1405 йиллар орасида Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-сиёсий аҳволи, Темур ва темурийлар давлати ҳамда қўшинининг тузилиши, ўша йилларда Темур давлатининг қўшни мамлакатлар ва халқлар билан бўлган муносабатлари ҳақида ҳикоя қилади.

Ўзбекистон маданияти тарихининг Темур даврига оид жиҳатларини ўрганишда айрим ёзма манбалар мавжуд эканлигини ҳам эсдан чиқармаслик муҳимдир. Шу ўринда биз асли дамашқлик Ибн Арабшоҳ (1401—1403 йилларда Самарқандда яшаган) фаолияти ҳақида айрим фактларни баён этишни мақсадга мувофиқ, деб билдик.

Ибн Арабшоҳнинг қаламига ўндан ортиқ тарихий-адабий асарлар мансубдир. Шу билан бирга муаллифнинг Амир Темур ва темурийлар даври ҳаётига бағишлаб ёзилган «Ажойиб ал-мақдур фи тарих Таймур» («Темур тарихида тақдир ажойиботлари») номли тарихий асари унинг энг муҳим таълифи ҳисобланади. Ушбу асар 1436 йилда яратилган бўлиб, Амир Темур ҳақида араб тилида ёзилган яккаю ягона манба ҳисобланади.

Ибн Арабшоҳ асари Темур ва унинг фаолиятига танқидий руҳда ёзилган. Шу билан бирга муаллиф тарихий воқеаларни ёритишда асосан инсоф ва адолат юзасидан иш тутган. Асарда Мовароуннаҳрнинг XIV—XV аср сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, айниқса, маданий ҳаётига доир кўплаб маълумотларни учратамиз. Муаллиф Темурнинг шахсияти ҳақида шунчалик кўп маълумотлар келтирадими, фикримизча, ўша даврда ёзилган бошқа бирорта асарда ҳам бунчалик фактлар берилмаган.

Амир Темурнинг илм-фан, маданият аҳлига, айниқса, хунарманд касибларга бўлган эътибори ҳақида кўп мисоллар келтирилган. Ўша даврда қурилишлар, илмий-маданий

ҳаёт, Темур билан хорижий мамлакатлар ўртасидаги дипломатик алоқалар ҳақида ҳам муҳим маълумотлар мавжуд.

Маълумки, Темур вафотидан сўнг темурий шаҳзодалар ўртасида ҳокимият учун кураш кучайиб кетади. Аммо мамлакатда оғир ижтимоий вазиятга қарамаздан астрономия, мусиқа, меъморчилик бирмунча ривож топди. Бу даврда Мовароуннаҳрда Самарқанд, Хуросонда Ҳирот асосий маданият марказларидан бўлиб қолди.

Айниқса, Самарқанднинг бу даврдаги илмий ва маданий ҳаёти Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги жуда кўп олим ва шоирлар диққатини ўзига тортар эди. Улардан кўплари Самарқандга ўқишга келар эдилар. Буюк форс-тожик шоири Абдурахмон Жомий ҳам Самарқандда қозизода Румий, Фазлуллоҳ Абдуллайсийлардан дарс олган. Бу вақтда Мавлоно Мир Қарший, Хатойи Самарқандда яшаб ижод этар эдилар. Бухоро ва Хоразм ҳам шу даврнинг йирик адабий марказларидан эди. Бухорода Хожа Исмоиллоҳ Бухорий ва унинг шогирдлари Мавлоно Хаёлий ва Мавлоно Кавсарийлар яшардилар.

Ўрганилаётган даврда барпо этилган Улуғбек расадхонаси улкан маданий ютуқ бўлган эдики, жиҳози ва илмий ютуқлари жиҳатидан унга тенг келадиган расадхона ўша даврда ҳам, ундан кейин ҳам яратилмади. Расадхонада 1080 та юлдуз тасвирланган каталог тузилди, юлдузларнинг белгиси ўндан тўққизгача аниқ бўлган туриш бурчаклари синуслари ва тангенслари натурал қийматларининг жадваллари, шунингдек, ер ҳудудидаги кўп сонли нуқталар координатларини қамраб олган жадваллар ишлаб чиқилди.

XV аср маданий марказларидан бири Ҳирот шаҳри баланд деворлар билан ўралган бўлиб, ора-орада 149 та катта-кичик миноралар қурилган. Ташқаридан шаҳар атрофи бўйлаб ариқ қазилган ва шаҳарнинг бешта дарвозаси олдида кўтарма кўприклар ўрнатилган. Ҳеч шубҳасиз, ушбу давр Алишер Навоий номи билан боғлиқдир. Донишманднинг буюклиги ва бутун қобилияти тарихий жиҳатдан у яшайдиган муҳитга боғлиқ эди. Унинг замондош дўстлари, илм-фан фозиллари, шоир, машшоқ, меъмор, ҳаттот, му-

саввирлар Ҳирот маданиятининг равнақини бошлаб берган ва бу ҳаққоний равишда «Навоий даври» деб аталди.

Алишер Навоий ўзининг 1491—1492 йилларда ёзган «Мажолис ун-нафоис» («Нафис мажлислар») асарида ўзига замондош ва ундан олдин яшаб ўтган кўпгина шоир, тарихчи, фан соҳиблари ҳақида қизиқарли маълумотлар берган. Унда 459 кишининг номи қайд этилган.

Олимларнинг бу даврдаги мусиқавий-назарий фикрлари, мусиқавий-эстетик қарашлари XIV—XV аср мусиқасига бағишланган рисолаларда ўз ифодасини топган эди. Шундай манбалардан бири Зайнулобиддин бин Маҳмуд ал-Ҳусайний (XV аср)нинг «Қонуни илмий ва амалий мусиқий» асаридир.

Ал-Ҳусайнийнинг ҳаёти ва ижодига доир ҳеч қандай маълумот сақланмаган. Унинг асари Навоийнинг топшириғи билан ёзилган ва унга бағишланган бўлса-да, Навоий ва бошқа муаллифлар асарларида ал-Ҳусайний ҳақида бирор марта ҳам эслатиб ўтилмаган.

Кириш қисмида ал-Ҳусайний, асар баъзи дўстларнинг илтимоси билан ёзилгани (бу Навоий эди) ҳақида айтади. Сўнгра Навоийга бағишланган қасида келтирилади. Қасидада Навоий мадҳ қилиниб, ундаги сўз ўйинида машҳур мақомлар номидан моҳирона фойдаланилган. Қасидага Ироқ, Исфохон, Кучак, Бузрук каби мақомлар асос қилиб олинади.

Ал-Ҳусайний ўн икки мақомни қуйидаги тартибда келтиради: Ушшоқ, Наво, Абу Салик, Рост, Ҳусайний, Хижозий, Роҳовий, Зангула, Ироқ, Исфохон, Зирафканд, Бузрук<sup>1</sup>. Мазкур асар XV аср мусиқа амалиёти ва назариясининг жуда кўп бошқа масалаларини тушунишга ҳам ёрдам беради. Бу ноёб ёдгорликда замонасидаги мусиқавий ҳаёт, мусиқий-эстетик қарашлар, мусиқа амалиёти билан боғлиқ бўлган қатор масалалар акс этган. Муаллиф ўз мулоҳазаларини содда, равон форс (тожик) тилида тушунарли услубда изоҳлайди, ўқувчига осон етиб борадиган зўр қўлланма беради.

<sup>1</sup> «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журналі, 1969. № 8—9. 67-бет.

Ўзбекистон маданиятининг ўрта асрлардаги ҳақиқий моҳиятини очиб беришда темурийлар сулоласининг ёрқин вакили Бобур ҳамда унинг машҳур «Бобурнома»си муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу асар Бобур сафарлари, унинг ҳарбий юришлари, турмуш машаққатлари ва кўп қиррали сиёсий ҳаёт воқеалари номаларидан жам бўлган. Аллома ўзбек адабиётига янги мавзулар киритди, улар юрт манзилларига чексиз садоқатни акс эттиради.

Биз бундай мисолларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин. Бошқача сўз билан айтганда Ўзбекистон тарихи бу — миллий-маданий ривожланиш, яратиш тарихидир. Тарихимизнинг қайси босқичини олиб қарамайлик, албатта, бу даврда ўзбек маданияти ўзининг бетакрор жиҳатлари билан жаҳон цивилизациясини тўлдирган ва безатган.

Масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. Гап шундаки, биз ўзбеклар жаҳон тамаддунида катта ҳурмат ва эҳтиромга сазовор халқмиз. Бизнинг ўз ўрнимиз ва қадримиз мавжуд. Аммо ўша ўрин ва қадрни ҳозирги ёшларимиз қалбдан, масъулият билан эслай оляптиларми?

Афсуски, баъзан ёшларимизнинг ўз миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз, урф-одатларимизга бўлган муносабати бизни қийнайди. Форобий, Ибн Сино, Берунийни бобомиз, деб билган ҳолда улар томонидан яратилган асарлар, ғоялар тўғрисида мутлақо саводсизлик, «Шарқ Ренессанси» маркази Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудуди бўлгани ҳолда, у ҳақида тасаввурга эга эмаслик, бугунги кунимиз, озод ва обод Ватан тўғрисида қайғурган жадидлар ғояларига беписандлик ҳолатларининг мавжудлиги — бу бор нарса.

Айни пайтда бизни хурсанд қиладиган нарса шундаки, ёшларимизнинг аксарият қисмида ўтмиш маданий меросидан фахрланиш ҳисси тобора ортиб бормоқда. Илмий-маданий меросдан фахрланиш эса, ёшлар маънавий қиёфасини шакллантиришда асосий омил бўлмоқда.

«Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз, — дейди И. Каримов, — нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешиқларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмақда ва эътироф этмоқда. Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар

етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуг алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди»<sup>1</sup>.

## ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАРИХИЙ ХОТИРАНИНГ ЎРНИ

Ёшлар маънавияти дабдурустдан шаклланадиган ҳодиса эмас. Унинг ўз эволюцион йўли мавжуд. Ёшларимиз маънавий дунёқарашини шакллантиришда маънавий мерос, маданий бойликлар, тарихий ва маданий ёдгорликлар муҳим ўрин эгаллайди. Қолаверса, диний ва дунёвий билимлар, миллатнинг характери, унинг салоҳияти — буларнинг бари ёшларимиз маънавий дунёқарашини муҳим, ҳал қилувчи омиллар ҳисобланади.

Шу билан бирга ёшлар маънавий қиёфасини шакллантиришда ўта муҳим аҳамиятли яна бир жиҳат мавжудки, унингсиз ҳеч қандай маънавият, маданият тўғрисида гапириш мумкин эмас. Бу — халқ тарихи, тарихий хотирадир.

Тарихий хотира — миллий ғурур ва миллий ифтихор ҳиссининг заминларидан бири<sup>2</sup>.

Шунингдек, тарихий хотира — аждодлар яратган моддий ва маънавий бойликларни кишилар онги ва кундалик амалий фаолиятида қайта намоён бўлиши, эсланиши, қадрланиши ҳамдир<sup>3</sup>.

Мустақиллик йилларида биз ўзбеклар қўлга киритган энг катта ютуқлардан бири ҳам тарихий хотирани тиклашга бўлган эҳтиёжларимизнинг қондирилиши бўлди. Юртбошимиз таъкидлагани каби, «Тарихий хотираси бор

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. 30-бет.

<sup>2</sup> Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат. — Т.: «Шарқ», 2006. 342-бет.

<sup>3</sup> Фалсафа. Қомусий луғат. — Т.: «Шарқ», 2004. 389-бет.

инсон — иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсон-дир»<sup>1</sup>.

Шу нарсани гурур билан таъкидлаш лозимки, ўзбек миллий тарихи аслида маданият тарихидир. Тарих — халқ маънавиятининг асоси эканлигини қайд этган Юртбошимиз И.А. Каримов шундай дейди: «Маънавиятини тиклаши, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак»<sup>2</sup>.

Юқорида билдирилган фикрлардан учта муҳим хулоса келиб чиқади: биринчидан, ўзбек миллий тарихи, энг аввало, маданият, ривожланиш, тараққиёт тарихидир. Иккинчидан, миллий маънавият ўз-ўзидан ривож топмайди ва унинг асосини тарих ташкил этади. Учинчидан, тарихий хотирани тикламасдан том маънодаги ривожланишга эришиш қийин.

Ижтимоий тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида мамлакатимиз фуқаролари, айниқса, ёшларининг тарихий хотирани тиклаш борасида олиб бораётган ишлари ҳар қандай таҳсинга лойиқ. Уч минг йиллик буюк миллий давлатчилик тарихимиз ёшларимиз учун ифтихор ва ватанпарварлик омилидир. Ижтимоий-тарихий ривожланишимизнинг ҳар бир босқичи халқимизнинг мустақиллик, эрк, озодлик учун яратиш ва тараққиёт сари ҳаракат даври эканлигини ҳам англаб етдик.

Энг муҳими, ёшларимиз ҳақли равишда ўз тарихи, ота-боболар томонидан яратилган моддий-маънавий бойликлардан фахрланиш ҳуқуқига эга. Узоқ даврлар давом этган мустамлакачиликларга қарамасдан илм-маърифатли халқимиз яратиш йўлидан асло чекинмади. «Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тошёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамланган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъмор-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. —Т.: «Шарқ», 1998. 9-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 8-бет.

чилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади»<sup>1</sup> деб таъкидлайди юртбошимиз И.А. Каримов.

Кулай геосиёсий маконда жойлашган Ўзбекистон худудида илм-фан, маданиятнинг ривожланиши кўп омилларга боғлиқ бўлиб, энг асосийси бу юртда халқ илмий-ижодий фаолиятининг анъанавий мавжудлиги эди. Бундан ташқари, юртимиз худуди қадим-қадимдан маданиятлар, цивилизациялар уйғунлашган, «Буюк ипак йўли» кесишган, Ғарб ва Шарқ алоқаларининг муҳим бўғини эди. Буларнинг бари мамлакатимизда азалдан илм-фан, маданият, санъатнинг, кишилик фаолиятининг барча жабҳалари ривожланганлигини белгилаб берган эди.

«Бу кўҳна тупроқда, — дейди Юртбошимиз, — милодгача бўлган даврда ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, ҳали-ҳануз ўзининг кўрку тароватини сақлаб келаётган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан ўлкамизда деҳқончилик ва ҳунармандчилик маданияти, меъморлик ва шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланганидан далолат беради. Мамлакатимиз худудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатиغا киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди»<sup>2</sup>.

Ана шундай буюк меросни ўрганиш орқалигина том маънода ёшлар маънавий қиёфасини шакллантириш мумкин. Бундай меросни эса фақат ва фақат тарих орқали ўзлаштириш мумкин. Чунки бундай меросни ўрганмай туриб, кишилик жамиятида илдамлаб бориш мумкин. Тарих ҳамма нарсага чидайди. Аммо ўзини сохталаштиришга асло чидай олмайди. Зеро, тарихни ўрганиш бизнинг тафаккуримизни чархлайди, ўтмиш тарихидан фахрланиш, йўл қўйилган хатолардан келажакда холи бўлиш имкони беради. «Тарихни ўрганиш — дейди XVIII асрнинг буюк немис маърифатпарвари Фридрих Шиллер, — ақлимизни

<sup>1</sup> Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т.: «Шарқ», 1998. 3—4-бет.

<sup>2</sup> Каримов И. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. 30-бет.

нурлантиради, қалбимизни олижаноб фидойилик билан алангалантиради. У руҳимизни ахлоқий масалаларга паст-кашлик ва бачканалик билан ёндошишдан сақлайди»<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, тарихни, унинг порлоқ, ёрқин кунлари билан бирга зулмат ва мустамлакачилик, айрилиқ ва йўқотишлардан иборат даврларини ҳам билишимиз бизни турли бало-қазолардан асрайди, сергакликка ундайди. Эришилган ютуқларни, порлоқ кунларни эслаш ва фақат улардан ғурурланишнинг ўзи етарли эмас. Айни пайтда тарихимизнинг қоронғи кунларини ҳам эсдан чиқармаслик тарихий хотира учун ўта зарурдир.

Шу ўринда ҳозиргача ниҳоятда кам ўрганилган, ёшларимиз эътиборидан баъзан четда қолаётган бир ҳолат — Ўзбекистон ҳудудида яратилган моддий ва маданий бойликларни мустамлакачилар томонидан ташиб кетилиши билан боғлиқ масалага диққат қаратишни лозим деб топдик. Гап шундаки, ҳозирги ёшларимизнинг тарихий хотирасини шакллантириш учун ота-боболар, аجدодларимиз томонидан яратилган, аммо босқинчилар томонидан ташиб кетилган миллий меросимиз тўғрисида бут хулосалар бериш лозим.

Умуман, узоқ минг йилликлардан иборат ўзбек халқи тарихи, 3 минг йиллик буюк миллий давлатчилик тарихимиз давомида аجدодларимиз не-не азобу уқубатларни, йўқотишларни кўрмади. Эрон ахмонийлари, грек-македонлар, араблар, мўғул истилолари бунга мисол.

Аммо миллий-маданий бойликларимизни ташиб кетишда энг сўнгги мустамлакачилар — чор Россияси ва коммунистик ҳукмронлик даври алоҳида ўринга эга. Ёшларимизнинг маънавий қиёфасини шакллантиришда, пировард натижада улар тарихий хотирасини тиклашда ўша давр, миллий бойликларни ташиб кетиш сиёсати моҳиятини тўғри англаш ўта муҳимдир. Мустабид совет даврида кўпчиликка маълум бўлмаган нарсалар, воқеа-ҳодисалар сабаби энди маълум бўлмоқда.

Шу ўринда қуйидаги қизиқ, аммо ачинарли мисолни келтиришни лозим деб топдик: XIX асрнинг иккинчи

---

<sup>1</sup> Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси. — Т.: «Шарқ», 2002. 83—84-бет.



ярмида Хивага қарши юришда генерал Кауфманга ҳамроҳлик қилган А.Л. Кун Туркистон маданияти, санъатини ўрганиш, тўплаш ва сақлаб қолиш баҳонасида юртимиз маданий бойликларини ташиб кетишни йўлга солади. Шарқ қўлёзмаларидан иборат 300 китоб, шулардан 129 таси 140 жилддан иборат тарихий асарлар, 20 муаллифнинг 30 жилдлик асарлари, ҳуқуқшунослик ва илоҳиёт масалалари бўйича 50 жилддан иборат 40 асар, 18 нусха Қуръон ва 50 та дарсликни тўплаган ва ўзини шарқшунос олим деб таништирган А.Л. Кун уларни 1873 йилда Император халқ кутубхонасига топширган.

А.Л. Кун ва унинг гуруҳи Хивадан танга зарб қилишга мўлжалланган 200 нусха штампни, муҳрлар боғламини, хон тахтини, 172 нусха Жўчи тангаларини, Қўнғирот сулоласидан бўлган Хива хонларининг 3 нусха тангаси ва қатор этнографик ашёларни, хусусан, аёллар ва болалар кийим-бошлари, кўплаб тилла ва кумуш безакларни олиб кетган.

Россияга олиб кетилган асарлар орасида Низомий қўлёзмалари, «Тарихи Васифий», «Искандарнома», Мавлавий Румийнинг «Маснавий»си, Навоийнинг «Хамса»си, Рабғузийнинг «Қисса ул-анбиё», «Тафсири Қуръон», «Равзат ус Сафо», «Достони Қосим ва Гўрўғели», Абдулғозининг «Шажарайи турк» ҳамда араб, форс ва ўзбек тилларидаги бошқа асарлар бор эди<sup>1</sup>.

Тарихий хотирани тиклаш жараёни тизимий равишда ташкил этилиши лозим. Бунинг учун, энг аввало, миллий тарих холисона, илмий тарзда ўрганилиши, таҳлил этилмоғи муҳим. Бунда ҳиссиётга берилиш наф бермайди. Тарихий хотирани тиклаш, ёшлар маънавий қиёфасини тиклаш аниқ рақамлар, тўғри, илмий аснодаги хулосаларга қурилиши талаб этилади.

Мустақиллик йилларида бу борада жуда катта ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Ўзбекистондан ташиб кетилган маданий бойликларни Ватанимизга қайтариш бўйича махсус комиссия ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар акаде-

<sup>1</sup> Тарих шохидлиги ва сабоқлари.— Т.: «Шарқ», 2001. 356-бет.

мияси Тарих ва Археология институтлари жамоаси томонидан бу борада жиддий тадқиқот ишлари олиб борилди.

Натижада мустамлакачилик даврида Ўзбекистондан жуда кўп маданий ва тарихий бойликлар зўравонларча ташиб кетилганлиги аниқланди. Биз юқорида қайд этганимиз каби Россия мустамлакачилиги даврида рус амалдорлари, офицерлари моддий буюм, бойлик сифатида юртимизда яратилган кўплаб маданий бойликларни талон-торож қилдилар. Хусусан, 1865 йилдан 1917 йилгача Марказий Осиёдан 3000 қўлёзма асарлар Россиянинг кўплаб кутуб-хоналари, архивлари, музейларига олиб кетилган. Агар 1865 йилгача тушган қўлёзмаларни ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, уларнинг миқдори келтирилган ушбу рақамдан бир ярим марта ошиб кетади. Россиянинг биргина Осиё музейига 1874—1916 йилларда В.В. Бартольд 20, В.В. Вельяминов-Зернов 19, Н.Н. Веселовский 3, В.В. Вяткин 6, Д.М. Граменицкий 18, И.И. Десницкий 7, К.Г. Зелеман 105, И.И. Зарубин 11, В.И. Игнатъев 8, А.Р. Кальмиков 4, Карташев 1, К.П. Кауфман 18, В.О. Клемм 1, Д. Карен 1, Л.Л. Кун 85, И.Л. Лерх 32, Поспелов 8 та ва яна бошқалар томонидан кўплаб қўлёзмалар топширилди. Туркистон ўлкасидан энг кўп маданий бойликлар В.А. Иванов томонидан ўғирлаб кетилган бўлиб, улар сони 605 тани ташкил этади<sup>1</sup>. Ушбу қўлёзмалар аксарият ҳолда ягона нусхада бўлиб, улар ҳаддан ташқари ноёб эди. Ўзбек халқининг миллий-тарихий хотирасини шакллантиришга хизмат қиладиган бундай маданий бойликларимиз, афсуски, ҳозиргача юртимизга қайтарилмади.

Мустамлакачилар, шунингдек, коммунистик мафкура маддоҳлари ҳам ўлкамиз моддий-маданий бойликларини тизимли равишда талаш, ташиб кетиш сиёсатини олиб бордилар. Бундай ҳаракат, айниқса, совет мустабид тизими даврида авж олди. Ўзбекистон моддий-маданий бойликларини ташиб кетишдан мақсад бор эди. Улар қуйидагилардан иборат эди:

- ўлка маданий-тарихий ёдгорликларини ташиб кетиш натижасида Ўзбекистон миллий-маърифий, илмий салоҳи-

<sup>1</sup> Тарих шохидлиги ва сабоқлари. — Т.: «Шарқ», 2001. 367-бет.

яти даражасини сунъий равишда пасайтириш ва шу орқали халқимизни маданий жиҳатдан «қолоқ», «саводсиз» деган ёрлиқлар билан «сийлаш»;

- Россиянинг кўплаб шаҳарларидаги илмий, маданий-маърифий марказлар жамғармаларини тўлдириш, ўзларининг мустамлакачилик сиёсатини хаспўшлаш, яшириш мақсадида сохта ғамхўрлик қилиш, ўзбек халқи маданий бойликларининг «йўқолиб кетиши»нинг олдини олиш баҳонасида ташиб кетиш сиёсатини «асослаш»;

- мамлакатимиз маданий-тарихий бойликларини ташиб кетиш орқали халқимизнинг ўзлигини англаш жараёнини пасайтириш ва аста-секинлик билан уни мутлақо тугатиш, халқ тарихий хотирасини ўчириш, манқуртлик сифатларини кучайтириш.

Албатта, бундай сиёсат ниҳоятда узоқни кўзлаб амалга оширилди. Ўзбек халқининг тарихини «ўрганиш», ўлка маданий бойликларини «сақлаб қолиш» учун турли тарихий, этнографик, археологик экспедициялар ташкил этила бошланди. Умуман, масалага миллий манфаатлар асосида ва ҳолисона равишда муносабатда бўлинса совет ҳукумати бундай сиёсатни чуқур ўрганган ҳолда амалга оширганлигини кўриш мумкин.

Шу ўринда айрим муаммоларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ бўларди: ҳаваскор археолог Ж.Кастанье Туркистонда жуда катта миқдордаги маданий бойликларни тўплади. Бу бойликларнинг катта қисми Эрмитажга, 500 та буюм Туркистон музейига топширилган. Ж. Кастанье ўзи тўплаган катта миқдордаги маданий бойликларнинг энг катта ва энг қимматбаҳо, сара қисмини Парижга олиб кетган<sup>1</sup>.

Москва ва Петербург музейларини тўлдириш ишлари айниқса жадал олиб борилди. Жумладан, собиқ СССР ФАга қарашли Антрология ва этнография музейини Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон, ўзбек халқи маданий бойликлари ҳисобига тўлдиришга алоҳида эътибор берилди. 1924 йилда музейга 514 хилдаги ноёб ёдгорликлар, 1927 йилда

---

<sup>1</sup> Горженина С. Станный археолог Кастанье. — «Звезда Востока», 1996, № 3. 156-бет.

203 буюмдан иборат ўзбек халқи ҳаёт тарзига оид этнография ёдгорликлари ташиб кетилди. Кейинчалик этнограф А.К. Пистарчук томонидан Фарғона ва Тошкент маданий ҳаётига оид 300 га яқин нодир буюмлар олиб кетилди.

Петербургдаги «СССР халқлари этнографияси» музейига эса, Ўзбекистонда дадил ишлаган С.М. Дудин томонидан 8 йил давомида 4000 дан ортиқ осори атиқалар «тортиқ қилинди». Москвадаги Шарқ маданияти музейи ҳам 1918 йилда Марказий Осиёдан олиб кетилган ёдгорликлар асосида тузилган. Бу музей фонди доимий равишда тўлдириб турилди ва 1000 дан ортиқ экспонатларга эга бўлиб, кўпи заргарлик буюмларидан иборат эди. Москвадаги Тарих давлат музейи ҳам Марказий Осиёдан келтирилган мингга яқин экспонатларга эга<sup>1</sup>.

Хўш, биз нима учун мустамлакачилик даврида юртимиздан зўравонларча ташиб кетилган бундай тарихий-маданий бойликлар тавсифига алоҳида эътибор қаратдик? Бунинг сабаби шундаки, ҳозирги ёшларимиз Ватан ва миллат тарихини, юртимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини билмас экан, ўз тарихий хотирасини тиклай олмас экан, буларнинг бари, шубҳасиз, миллий ривожланишимизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ёшларимиз ўз тарихий хотирасини тиклар экан, бунда бой тарихимиз, миллий-маданий қадриятларимизга суянар экан, бундай ёшлар том маънода миллат суянчиғи, келажак гарови сифатида майдонга чиқиши мумкин.

Биз миллий тарихимизни ўрганишни, айти пайтда, умумбашарий қадриятларни ҳурмат қилишни ўз олдимизга катта вазифа сифатида қўйганмиз. Булар, шубҳасиз, миллий мустақиллигимизнинг ғоявий-сиёсий, ижтимоий, маданий-маърифий асосларини мустақамлайди. Бу ҳақда кўп гапирилмоқда.

Айти пайтда мустақиллик биз учун буюк неъмат, муқаддас туйғу эканлигини ҳам биламиз. Шу ўринда айрим фуқароларимиз, айниқса, ёшларимизнинг мустақиллик,

---

<sup>1</sup> Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. — Т.: «Шарқ», 2001. 398—399-бетлар.

буюк феноменал ҳодиса эканлигини чуқур англаб ета олмаётганликларини ҳам кузатишимиз мумкин. Истиқлол йўли равон, текис бўлмаганлиги, унга эришиш учун қанча қонлар ва жонлардан кечганлигимизни ҳозирги ёшларимизнинг барчаси ҳам билармикин?

Афсуски, барча ёшларимиз ҳам мустақилликка эришишнинг оғир йўллари ҳақида чуқур билимга эга эмас. Шу маънода совет даврида олиб борилган миллий-озодлик, истиқлол учун курашлар ҳақида икки оғиз фикрлашиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, собиқ совет давлати ўрнатилгандан сўнг асосий эътибор коммунистик партиянинг нуфузини оширишга қаратилди. Бунинг учун эса, ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаш жараёнини тўхтатиш лозим эди. Шу аснода турли сиёсий ўйин ва найранглар ўйлаб топилди. Жумладан, «босмачилик» ҳаракати, «маданий инқилоб», қишлоқ хўжалигини «оммавийлаштириш», саноатни «индустриаллаштириш» каби сунъий ҳаракатлар, илмий жиҳатдан асосланмаган жараёнларга йўл берилди.

Бундай хато хатти-ҳаракатга қарши чиққан ҳар қандай инсон, тоифа ҳукмрон сиёсий кучнинг душмани, демакки, «халқ душмани», деб эълон қилинди. Бу жараён Ўзбекистоннинг совет ҳокимияти давридаги барча босқичларида мавжуд бўлган бўлса-да, айниқса, ўтган асрнинг 20—30-йилларида жуда авж олди. Қатағон сиёсати аслида тобора ошиб бораётган халқ маънавияти, маърифатига қарши кураш, миллий ўзликни англаш жараёнини тўхтатиш, халқ тарихий хотирасини ўчиришдан бошқа нарса эмасди. Жумладан, XX асрнинг 20-йиллари ўрталари ва 30-йиллар мобайнида Ўзбекистонда 40 мингдан ортиқ деҳқон хўжалиги «қулоқ» қилиниб, улардан 31,7 минги «қатағон» қилинган эди<sup>1</sup>.

Ёшларимиз мустақилликнинг қадрини янада ёрқинроқ билиши ва тасаввур этишлари учун ўша даврда мавжуд бўлган оммавий қатағонлар сабабини англаб этишлари лозим. Қолаверса, мустамлакачилар ўз сиёсатларини ҳаспўшлаш учун турли сиёсий ўйинларни ўйлаб топдилар.

<sup>1</sup> История коллективизации в союзных республиках. — М., 1969. 25-бет.

Масалан, 1937—1938 йилларда марказий ҳукуматнинг жазо органлари ва унинг республикадаги «назоратчилари» Ўзбекистонда йирик аксилинқилобий тузилмаларни «фош этдилар» ва «тугатдилар». Булар қуйидагилардан иборат эди: республика раҳбарлари Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаев бошчилигидаги «Буржуа-миллатчилик аксилинқилобий ташкилоти маркази», Абдурауф Қориев раҳбарлигидаги «Мусулмон руҳонийларининг миллатчи-исёнчилар ташкилоти», «Аксилинқилобий ўнг троцкийчи жосуслар ташкилоти маркази», С. Хўжанов бошчилигидаги «Аксилинқилобий миллатчи қозоқлар ташкилоти», «Бухоро ва Туркистон бахт-саодати» номли советларга қарши аксилинқилобий ташкилот, республика комсомоли МҚ котиби И. Ортиқов раҳбарлигида «Ёшларнинг аксилинқилобий буржуа-миллатчилик ташкилоти», «Уйғурларнинг аксилинқилобий жосуслик-исёнчилик ташкилоти» ва бошқалар<sup>1</sup>.

Ёшларимиз шу нарсаларни аниқ-равшан билиб олишлари лозимки, қатағон йиллари сиёсати, энг аввало, ўзбек халқининг зиёлилари — ўқитувчилари, олимлари, маданият ва санъат арбобларига қарши қаратилган эди. Бунинг ўз сабаблари мавжуд эди, зеро, зиёлилар миллатни уйғотиш, тарбиялаш, миллий ўзликни англаш, жамият аъзоларида тарихий хотирани тиклашда асосий рол ўйнардилар. Шунинг учун ҳам қатағон йилларида миллат манфаатини, озодлик, ҳурликни тараннум этган ҳар қандай шахсга нисбатан турли бўҳтонлар уюштирилар ва улар йўқ қилиб юборилар эди. «Қосимовчилик», «Ўн саккизлар гуруҳи», «Иноғомовчилик» каби уйдирмалар айнан ўша мақсадларда ташкил этилган эди.

Улар одатда «халқ душманлари», деб номланганлар. Шу ўринда айрим мисоллар келтириш ёшларимизнинг онгини янада ривожлантиради, деб ўйлаймиз: 1931 йилда Самарқанд шаҳридаги Педагогика академиясига директор этиб тайинланган Қ. Абдуллаев ушбу олий ўқув юртини университетга айлантириш ҳақидаги ўз таклифи билан юқори идораларга мурожаат қилади. Университетда ўқув

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. — Т.: «Шарқ», — 2000. 323-бет.

ва илмий ишларни ўзбек тилида олиб бориш, ўқитиш жараёнида маҳаллий халқнинг аждоллари меросидан фойдаланиш, олий таълим муассасаларида дарс бераётган маҳаллий миллат вакилларига илмий унвонлар бериш йўлида жонбозлик кўрсатади. Аммо, унинг саъй-ҳаракатлари мавжуд тузум томонидан қўллаб-қувватланмади ва бу ҳаракатларга йўл берилмади.

Ўзбекистоннинг тарихчи олими Б. Солиев ҳам Ватан, миллат тарихини ўрганишга, тарих фанининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган олимлардан ҳисобланган. «Ўрта Осиё тарихи», «Бухоро тарихи», «Манғитлар салтанати даврида Бухоро ўлкаси», «Ўзбекистон тарихи XV—XIX асрнинг ярми» каби асарлар, кўплаб илмий мақола-лар муаллифи бўлган Б. Солиевнинг халқнинг миллий ўзлигини англаш, тарихий хотирани тиклаш йўлидаги бу ҳаракатлари уни «халқ душмани» деб аташга асос бўлди. У қатағон қурбони бўлди.

Ўша йилларда олий ўқув юртлари талабаларининг «сиёсий тозалиги»ни текширувчи «Олий ўқув юртларини тозалаш бўйича махсус марказий комиссия» фаолият кўрсатган. Ҳар бир олий ўқув юртида мазкур комиссиянинг бўлимлари келиб чиқиши меҳнаткаш бўлмаган, мулкдор синфга тааллуқли бўлган талабаларни «фош» қилиш ва уларни институт, университетлардан четлаштириш каби вазифаларни бажарганлар<sup>1</sup>. Худди шундай ҳолат ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кузатилган. «Гуруҳбозлик»ни фош этиш, «халқ душманларини» топиш, уларни жазолаш совет мустабид тузумининг асл моҳиятини ташкил этарди.

Зиёлиларни қатағон ва қатл этиш миллатнинг ўзлигини англаш жараёнини йўқ қилишга қаратилганди. 1936 йилнинг охиридан 1940 йилгача республика бўйича 5758 нафар зиёли — ёзувчи, олимлар, раҳбарлар, маданият, санъат арбоблари қамоққа олинди. Уларнинг 4811 нафари отиб ташланди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Абдурахмонова Ж. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда таълим соҳасидаги қатағонлик сиёсати. — Тошкент, 2002. 24-бет.

<sup>2</sup> Узоқов Ҳ. Ўзбекистонда мустақиллик учун кураш тарихи (1900—1940 йиллар). — Тошкент, 1996. 40-бет.

1937—1939 йилларда жами 41 минг киши қамалди. Уларнинг 37 минг нафари жазоланди, 6920 нафари отилди<sup>1</sup>.

Мамлакатимизнинг узоқ ва яқин тарихига назар ташлар эканмиз, мустақиллик, озодлик ва эрк тушунчалари халқимиз учун доимо энг муқаддас туйғулар бўлганлигини кўришимиз мумкин. Том маънода мустақиллик учун кураш И. Каримовнинг республиканинг биринчи раҳбари этиб сайланганидан сўнг бошланганлигини ҳам унутмаслик лозим.

Шу ўринда ўтган асрнинг 80-йиллари охири, 90-йиллари бошидаги таҳликали даврларни эсга олиш ёшларимизнинг мустақиллик ғояларини янада чуқурроқ ўзлаштиришига имкон беради, деб ўйлаймиз. Юртбошимиз И.А. Каримовнинг ўша даврдаги собиқ марказ олдида даядил ҳаракатлар олиб бориши, мамлакатимиз ва халқимиз миллий манфаатларига устувор аҳамият бериши, илмий асосланган режа асосида истиқлол сари жадал қадам ташлаши ўз натижаларини берди. Бунда уч жиҳатга алоҳида аҳамият беришимиз, ёшларимиз буларни чуқур ўрганиши лозимлигини қайд этиш мақсадга мувофиқдир:

1. 1989 йил 21 октябрда «Ўзбек тили»га давлат тили мақомининг берилиши;

2. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясида СССР доирасида биринчи бўлиб, Ўзбекистонда Президентлик бошқарувининг таъсис этилиши ва бунга асосан 1990 йил 24 мартда И. Каримовнинг Ўзбекистон ССРнинг биринчи Президенти этиб сайланиши;

3. 1990 йил 20 июнда Республика Олий Совети томонидан Мустақиллик Декларациясининг қабул қилиниши.

Таъкидлаш лозимки, булар Ўзбекистоннинг мустақиллик сари ташлаган салобатли ва зафарли қадамлари эди. Ушбу тарихий ҳақиқатни англаш, шубҳасиз, халқимиз, айниқса, ёшларимиз тарихий хотирасини тиклашда муҳим ўрин эгаллайди. Ёшларимиз мустақиллик ўзбек халқи учун курашлар тарихи эканлигини англаш, уни қўлга киритиш халқимизнинг асрий орзуси бўлганлигини чуқур ҳис этар

---

<sup>1</sup> «Правда Востока», 1991 йил 15 сентябрь.



экан, шундагина мустақилликнинг том маънодаги қадр-қиммати, нуфузини тушуниб етишлари мумкин.

Қолаверса, халқ, айниқса, ёшлар тарихий хотираси миллат маънавиятининг асосий бўғинларидан бири ҳисобланади. Тарихий хотираси бўш халқ — келажаги мавҳум халқ. Тарихий хотира ва миллий маънавият уйғунлиги келажакни белгилаб берувчи, халқни уюштирувчи, ягона мақсад остида бирлаштирувчи кучдир.

Миллатимиз узоқ мустамлакачилик даврида оғир қийинчиликларни бошидан кечирди. Бизни турли балою қазолардан сақлаб қолган, янги эзгу мақсадлар сари етаклаган туйғу — тарихий хотирадир. Биз ўз тарихимизни ўрганишимиз, ютуқлардан фахрланишимиз, йўл қўйган хатоларимизни такрорламаслигимиз учун ҳам тарихий хотира зарур. «Ўтган давр мобайнида, — дейди Юртбошимиз, — эски тузумдан оғир мерос бўлиб қолган ана шундай иллатларга, эл-юртимизга нисбатан камситиш ва миллий манфаатларимизни менсимаслик ҳолатларига барҳам бериш, кўҳна қадриятларимиз, дину диёнатимизни тиклаш, ҳаётимизда тарихий адолатни қарор топтириш, янги жамият куриш йўлида халқимизнинг маънавий юксалишини ўз олдимизга қўйган олижаноб мақсадларга етишда ҳал қилувчи мезон деб қараш ва шу асосда иш олиб бориш биз учун доимо устувор вазифа бўлиб келганини ва бугун ҳам эътиборимиз марказида турганини таъкидлаш лозим»<sup>1</sup>.

## ҲОЗИРГИ ЗАМОН ДУНЁСИ ВА ШАРҚОНА АҚЛ-ИДРОК МАСАЛАСИ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар миллатнинг ақл-идроки, заковатига бевосита боғлиқ. Мамлакат ва халқ қудрати, энг аввало, унинг интеллектуал салоҳияти, ақл кучига боғлиқ. Бу — аксиома.

Агар биз ўзбек халқининг миллий-маданий тараққиётига назар ташласак, энг аввало, унинг фикр бойлиги жуда мустаҳкам илдизга, ўз анъаналарига эга эканлигини

---

<sup>1</sup> Каримов И. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. 6—7-бетлар.

кўришимиз мумкин. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ҳозирги кунда амалга оширилаётган истиқлолий ислохотларнинг реал кучга айланиши, шубҳасиз, ўтмиш маданий меросимизни чуқур, ҳар томонлама ўрганишга боғлиқлигини сезишимиз мумкин.

«Фалсафа» қомусий луғатида таъкидланишича, арабча «ал-ақл» — инсоннинг маънавий-руҳий фаолиятидаги барча ашё-нарсалар, ҳодисаларни қандай бўлса айнан шундай ҳолда билиш қобилияти, мавҳум фикрлаш ва тушунчалар яратиш хусусиятидир. Умуман олганда, ақл ва ақлий фаолият тушунчалари Платон ва Аристотель фалсафасида кенг ишлатилиб келинган. Айни пайтда Ўрта асрлар даври Яқин ва Ўрта Шарқ фалсафий тафаккури ва унда шаклланган ақл тўғрисидаги таълимотлар Платон, Аристотель ва Платоннинг фалсафий меросидан таъсирланган ва шаклланган<sup>1</sup>.

Албатта, ақлни Ғарб ёки Шарқнинг алоҳида олинган тафаккурий маҳсули сифатида талқин этиш унчалик тўғри бўлмайди. Ақл ҳар бир халқ, минтақанинг ўзига хослиги, хусусиятлари, миллатнинг характери, тарихий анъаналари, миллий-маданий меросининг натижаси ҳисобланади. Бу жиҳатдан у локал мазмунга эга.

Аммо ақл-идрок масаласи ёки алоҳида олинган у ёки бу халқнинг тафаккур тарзи кенг маънода интеграция жараёнларини тақозо этади ва шу маънода у айирбошлашувни талаб этади. Шундагина у мукамал даражага эга бўлиши мумкин. Акс ҳолда миллий ақл-идрок масаласи маҳдудликка юз тутиши мумкин.

Шу маънода ўзбек миллий-маданий мероси ва тафаккур тарзига қисқача назар ташлаш фойдадан холи бўлмайди. Мамлакатимиз ҳудудида маънавий-маърифий ва тафаккур ғоялари, халқ оғзаки ижодиёти, «Авесто»даги миллий ва умумбашарий ғоялар мамлакатимиз ва миллатимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшилишида алоҳида аҳамиятга молик омиллар ҳисобланади.

Айни пайтда ислом таълимотида, тасаввуф тариқатларида ақл-идроқ масаласига алоҳида эътибор берилган бўлиб,

<sup>1</sup> Фалсафа. Қомусий луғат. Тошкент, 2004 й. 42-бет.

унинг янада ривожланиши Марказий Осиё халқлари миллий-маданий мероси билан бевосита боғлиқдир. Шу маънода дунё тамаддунида юртимизда шакланган ақл-идроқ ва тафаккур омилининг ўрни бениҳоя каттадир. Марказий Осиёда илм-фан, ақл-идроқ, тафаккур дунёсининг бойиши Шарқ Уйғониш даври билан (IX—XVI асрлар) бевосита боғлиқ эканлигини ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Қолаверса, ўзбек халқи миллий-маданий меросида маърифатпарварлик ва жадидчилик ҳаракатининг ҳам ўрни бениҳоя катта.

Умуман, Шарқ, хусусан, ўзбек миллий тафаккурида ақл-идроқ масалаларига эътибор қаратган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, бир томондан ушбу ҳудудда анъанавий тарзда цивилизациян ўзгаришлар, бошқа томондан унинг турли халқлар ва минтақалар билан интеграция жараёнларига чуқур кириб бориши натижасида мамлакатимизда ўзига хос тарзда миллий ақл-идроқ фалсафаси ва маданий-тарихий мероси юзага келди. Унинг хусусиятли жиҳатлари эса қуйидагилардан иборат:

- кўп минг йиллик тарихимиз давомида миллий ақл-идроқнинг новаторлик хусусияти шаклланди, нарса ва ҳодисалар моҳиятини ўрганишда анъанавийлик усули ишлаб чиқилди;

- миллий ақл-идроқ фалсафасининг тараққиёти ҳар доим эскининг тўлиқ инкор этилиши асосида эмас, аксинча, унинг ижобий жиҳатларини янги замонга олиб ўтиш, эскининг ижобий жиҳатларини назариёт ва амалиётда фойдаланишга мойиллик кайфиятида рўй берди;

- ўзбек миллий менталитети, халқнинг маданий тараққиёти диний ва дунёвий таълимотлар устунлигида шакланганлигини ҳам эсдан чиқармаслик муҳимдир. Бундай уйғунлик у ёки бу ҳодиса, воқеага баҳо бериш, масаланинг мазмун-моҳиятини аниқлашда субъектив хулосалар чиқаришга имкон бермаган. Шу аснода дунёвий ва диний билимларни ривожлантириш бир ёқламаликнинг олдини олган, тўғри тафаккур тарзини шакллантиришга шароит яратган;

- миллий-маданий меросимизда асосий эътибор янгиликка интилиш асосида юз берди. Бунинг учун юртимизда

зарур шарт-шароитлар мавжуд бўлган. Ўзбекистоннинг жаҳоннинг муҳим геополитик маконида жойлашганлиги, Буюк Ипак йўлининг асосий қисми мамлакатимиз ҳудудидан ўтганлиги — буларнинг бари биз учун қулай имкониятлар берган.

Ўзбек халқининг Шарқ оламида тутган новаторлик ўрни унинг асрлар давомида яратган интеллектуал-ақлий бойлиги ва юксак миллий-маданий, анъанавий мероси билан белгиланади. «Авесто», Ўрхун-Енисей ёдгорликлари, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарлари, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодиёти — буларнинг бари юқоридаги фикримизнинг далил-исботидир.

Айниқса, ўзбек халқ оғзаки ижодиётида, хусусан, қўшиқчилик санъатида кишиларни ақл ва фаросатга ундовчи, унинг тафаккур тарзини шакллантиришга қаратилган жиҳатлари жуда кўп бўлганлигини кўришимиз мумкин. Халқимизнинг «Хўп ҳайда», «Дали дарё», «Айрилдим», «Муножот», «Баёт», «Ушшоқ», «Қора кўзим», «Шашмақом» сингари узоқ тарихга эга бўлган қўшиқлари, «Рўмолим», «Аяжон», «Ёр-ёр», «Ўлан», «Алла» каби лирикаси, «Олма деб отган отам», «Фаранг рўмол бошимда», «Боғ айланиб чий тутдим», «Гулни гул дерму киши», «Қоши қаро барно йигит» номли шингил қўшиқлари ўзининг латофати, жозибadorлиги билан асрлар давомида яшаб келмоқда, кишиларни ақл-фаросат билан иш тутишга ундамоқда<sup>1</sup>.

Туркий халқлар азалдан жаҳон айвонида ўзига хос ўрин тутганлар, ақл-фаросат бобида ҳаддан ташқари нозик дидли ва ўта зийрак бўлганлар. Айниқса, Култегин, Билга Хоқон, Унгин, Кули Чур, Моюн Чур, Тўнғоқуқ битигларининг аҳамияти каттадир. Жумладан, Билга Хоқон турк халқининг Ватани абадий бўлиши учун курашди. Ватанни сақлаб қолиш фақат Хоқоннинг ўзига эмас, халққа ҳам

---

<sup>1</sup> Бобоев Х., Гофуров З. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимотлар тараққиёти. — Т.: «Янги аср авлоди», 2001. 51-бет.

боғлиқдир. Билга Хоқон халқ ўз ҳукмдорининг йўл-йўриқларини амалга ошириши лозим, акс ҳолда унинг бошига кўп кулфатлар келишини таъкидлаб, киши ўта ишонувчан бўлмаслиги, бошқаларнинг гапини мулоҳаза қилгандан кейин иш юритиши лозим, дейди. У одамни ажрата билмай, тўкис ишонувчан бўлса, фожиага йўл очилади, дарбадарлик шундан бошланади, деб уқтиради<sup>1</sup>.

Мулоҳазали бўлиш, яхши билан ёмоннинг фарқини билишга интилиш ҳар бир кишининг ақли маҳсули эканлигига ислом дини, унинг муқаддас китоби Куръони карим, ҳадислар ҳам ишора қилган. Жумладан, ҳадисларни тўплаш, умумлаштириш, уларнинг кишилар ақлий тарбиясидаги ўрнини аниқлаш юртимизда доимо савобли ва муқаддас иш ҳисобланган. Юртимиздан етишиб чиққан буюк ҳадисшунос олимларнинг бу борадаги фаолияти, айниқса, ибратлидир. Масалан, Муҳаммад ал-Бухорий 660 минг ҳадисдан фақат 7250 тасинигина тўпламга киритган. Ушбу ҳадислар одамларни ақл-фаросатга, юксак инсоний фазилатларни шакллантиришга ундаганлиги билан ҳам қадрлидир.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, юртимизда дунёвий билимлар ниҳоятда гуркираб ривожланган. Шу ўринда, айниқса, машҳур астроном ва математик Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Синолар томонидан қолдирилган бой илмий, фалсафий меросни алоҳида қайд этиш лозим. Манбаларда «Ал-файласуф аттуркий» деб номланган Форобий ўз илмий-ижодий фаолияти давомида 160 дан ортиқ асарлар яратган. Хоразмлик Абу Райҳон Берунийнинг «Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар» асарида ёзма, халқ оғзаки ижоди намуналари ўз аксини топган. Унинг 150 дан зиёд асарлари ўзбек халқининг муқаддас илмий, интеллектуал салоҳиятидан дарак берувчи меросдир.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, илм-фаннинг ривожланиши кўп жиҳатдан тўғри танланган йўлга боғлиқ. Та-

---

<sup>1</sup> Раҳмонов А. Турк хоқонлиги. — Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. 72-бет.

рихий воқеа, ҳодисаларга ҳиссиёт билан ёндошиш кўпинча хато хулосага олиб келиши мумкинлигини, тўғри натижа ақлнинг маҳсули бўлиши мумкинлигини қайд этган ҳолда Беруний шундай дейди: «Асарни ёзишга (кириша) бошлаб, айтаманки, мендан сўралган нарсага етказувчи воқеаларнинг энг муҳими — қадимги миллатлар авлодидан ва уларнинг расму русум ва қоидаларидан иборатдир. Ақлий (нарсалардан) далил келтириш, кузатилган (нарсаларга) қиёс қилиш йўли билан у хабарларни билиб бўлмайди. Буни фақат «китоб аҳллари» ва турли дин арбобларига, шу (эътиқодларга) амал қилувчи ҳар хил маслак ва ишонч эгаларига эришиш, уларнинг тушунчаларини кишиларнинг табиатини пасткашлаштирадиган ёмон ахлоқдан, ҳақиқатни кўришга имкон бермайдиган омиллардан ўзини тозаландан кейин, уларнинг исбот учун келтирилган сўз ва эътиқодларини бир-бирига солиштириш билан билинади. Ана шу айтиб ўтганим ҳақиқий мақсадга етказувчи энг яхши йўл ва бунга доғ туширувчи шак-шубҳани ювиб ташлаш учун энг кучли ёрдамчидир. Гарчи қаттиқ уриниб зўр машаққат чексак ҳам ўшандан бошқа йўл билан мақсадга эриша олмаймиз»<sup>1</sup>.

Ўзбек халқининг илмий-фалсафий, маънавий-маърифий мероси жаҳон цивилизациясининг муҳим ўзакларидан бири ҳисобланади. Шарқ Уйғониш даври, айниқса, Марказий Осиёда илм-фан, маданият, санъатнинг, дунёвий ва диний билимлар уйғунлигининг энг юксак чўққиси ҳисобланади. Моҳиятни аниқлашга, ҳақиқатни англашга интилиш туфайли илм-фаннинг деярли барча соҳаларида жиддий сифат ўзгаришлари содир бўлди. Шу ўринда бир ибратли мисолни келтириш диққатга сазовордир: буюк олим Абу Али ибн Сино ўз даврида фанни классификация қилиш, тартибга солиш билан ҳам жиддий шуғулланди. Бу борада, айниқса, унинг ақлга асосланган фан қисмларига оид махсус трактати ниҳоятда қимматлидир. Унга биноан Абу Али ибн Сино ўрта аср мусулмон Шар-

<sup>1</sup> *Беруний*. Танланган асарлар. 1 том. — Т.: «Фан», 1963. 40—41-бетлар.

қида шаклланган 35 та фан соҳасига тавсифлар беради<sup>1</sup>. Бу фанларнинг аксарият қисми Марказий Осиё, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида шаклланганлигини бутун дунё аллақачон эътироф этган.

Инсон тарбияси, унинг ақл-идроки, фаросатини ривожлантириш масалалари ўтмиш бадиий адабиётида ҳам алоҳида ўрин эгаллаган. Хусусан, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарининг ўрни беқиёсдир. 1069—1070 йилларда ёзилган мазкур асар фалсафий-дидактик асар бўлиб, 73 бобдан иборат. Асарда бир томондан мамлакатни сиёсий жиҳатдан жипслаштириш, Қорахонийлар давлатининг иқтисодий асосларини мустақкамлаш вазифаси олға сурилган бўлса, бошқа томондан мамлакат аҳолисини ўзаро иттифоққа ундаш, энг яхши инсоний хислатларни тарғиб қилиш, шоир сифатида қалбаки ҳаяжонга солаётган масалаларни ўртага қўйиш ҳам туради.

Шунингдек, асарда инсон ақл-заковати масалалари, билим олиш муаммоларига алоҳида аҳамият берилган. «Билиг укуш адримин, асфин аюр» («Билим ўқув-идрок фарқини, нафини айтади») деб номланган ва билим ҳақидаги махсус бобда Юсуф Хос Ҳожиб билимсизлик қоронғи зулматга, билим эса шу зулматни ёритувчи машъалага ўхшатади. Билимнинг асосий хусусияти киши учун фойдали эканлигида, унга қадр-қиммат, ҳурмат ва эҳтиром келтиришида, деб биллади<sup>2</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизнинг узоқ минг йилликлар тарихида илм-фан доимо миллат, унинг тақдири учун устувор аҳамиятга эга ҳодиса бўлган. Эрклик, озодлик даврларида илм-фан тараққиёт, ижтимоий ривожланишнинг омили бўлганидек, мустамлакачилик даврларида ҳам ушбу феноменга миллатни қутқарувчи, уни бирлаштирувчи, эргаштирувчи куч сифатида қаралган.

<sup>1</sup> Бахадиров Р.М. Классификация наук и ее место в истории культуры мусульманского Востока (IX—XV вв.). — Тошкент, 1998. 26-бет.

<sup>2</sup> Тўхшев Б. Билим — эзгулик йўли. — Т.: «Фан», 1990. 23-бет.

Туркистонни мустақил давлат сифатида кўриш, халқимизни дунё халқлари орасида эркили, озод кўриш туйғуси маърифатпарварлик ва жадидчилик ҳаракатини юзага келтирди. Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Сўфизода, Тавалло каби халқимизнинг ўнлаб, юзлаб фидойилари илм-фан, маънавият-маърифат учун курашдилар.

Айниқса, илм-фан, инсон салоҳияти, тафаккур тарзини ўзгартириш, шу орқали миллатни уйғотиш, яхши ва ёмон, ёруғлик ва зулматни фарқлаш кўникмаси, тажрибасини ҳосил қилиш жадид адабиёти намояндаларининг энг муҳим вазифаси саналган. А. Авлонийнинг таъкидлашича: «Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир фазилатдир, зеро илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатимизни ойина каби кўрсатур. Зеҳнимизни, фикримизни қилич каби ўткир қилур. Савобни гуноҳдан, ҳалолни ҳаромдан, тозани мурдордан айуриб берур. Тўғри йўлга раҳнамолик қилуб, дунё ва охиратда масъуд бўлишимизга сабаб бўлур. Илмсиз инсон мевасиз дарахт кабидур... Илмнинг фойдаси у қадар кўпдирки, таъриф қилган бирла адо қилмоқ мумкин эмасдур. Бизларни жаҳолат, қоронғуликдан қутқарур, маданият, инсоният, маърифат дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузуғ ишлардан қайтарур, яхши хулқ ва одоб соҳиби қилур»<sup>1</sup>.

Мустақиллик йилларида илм-фанга, унинг жамият ва миллат ҳаётидаги ўрнини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори жуда аҳамиятли бўлди. Қарорда мамлакатимизда жуда кучли интеллектуал салоҳият жонланганлиги, ундан самарали фойдаланиш мамлакат ва миллат равнақида таъсирли куч эканлиги яна бир бор эслатиб ўтилди.

<sup>1</sup> *Абдулла Авлоний*. Гулистон ёки ахлоқ. — Т.: «Ўқитувчи», 1967. 34-бет.



Умуман, биз юқорида таъкидлаганимиз каби Шарқ ҳар доим илм-фан ривожига ўз ўрнига эга бўлган. Айниқса, ўзбек халқи, унинг анъанавий интеллектуал салоҳияти, ўзига хос тафаккур тарзи, шаклланган илмий мактаблари бизнинг миллий бойлигимиз, айти пайтда жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми бўлиб келган. Ўзбекистондаги мавжуд ҳолат, ҳукуматнинг илм-фан ривожига раҳнамолиги бизнинг келажакка бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

## ХУЛОСА

Мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар сиёсати аслида келажак учун олиб борилаётган сиёсатдир. Ўз келажagini таъминлашга интилган, ҳар қандай давлат ва миллат, энг аввало, ёшларга нисбатан тўғри сиёсат олиб бориши лозим. Ўзбекистонда худди шундай бўлмоқда. Ёш авлод камолоти унинг маънавияти билан боғланмоқда. Бу эса ёш йигит-қизларни ўзини-ўзи юксалтиришга рағбат бермоқда.

Ёшларимизда ташаббус, уюшқоқлик, яратишга мойиллик кучаймоқда. Улар Юртбошимизнинг «биз бир ҳақиқатни ҳам яхши англаймизки, фақат ўтмишга, аждодлар меросига маҳлиё бўлиб юришнинг ўзи билан узоққа бориб бўлмайди»<sup>1</sup>, деган фикрларини англаб етганлари маълумдир. Ўзбек ёшларининг дунёнинг турли бурчакларидаги қатор олимпиада, фестиваль, кўрик-танловлардаги иштироки ва ютуқлари бунга далилдир.

Энг муҳими, ҳозирги ёшларимиз ўзбек халқининг бой миллий-маданий мероси, ота-боболаримиз яратган қадриятлар, илм-фан, маданият ва санъат дурдоналаридан нафақат фахрланиш, айти пайтда уларни кўпайтириш борасида ҳам қайғурмоқдалар. Маънавий боқимандалик кайфияти бартараф этилмоқда.

---

<sup>1</sup> Каримов И. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. 50-бет.

Шу билан бирга Ўзбекистон ёшлари ҳозирги мураккаб шароитда ўзларига юкланган масъулиятни ҳам ҳис этмоқдалар. Глобаллашув, унинг оқибатлари, «оммавий маданият»нинг салбий жиҳатлари, улардан қутулиш йўлини мустақил равишда ўзлари қидириб топмоқдалар. Муҳими, ёшларимиз ўз ота-боболарига муносиб меросхўр бўлишга интилоқдалар. Бу — бизнинг келажакка бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

## ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. *Каримов И.* Юксак маънавият — енгилмас куч. — Тошкент, 2008.
2. *Каримов И.* Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Тошкент, 1998.
3. *Искандаров Б.* Ўрта Осиёда фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фикрнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихидан лавҳалар. — Тошкент, 1993.
4. Педагогика тарихидан хрестоматия. — Тошкент, 1993.
5. Янги ва энг янги давр Фарбий Европа фалсафаси. — Тошкент, 2002.
6. *Абдуллаев Н.* Санъат тарихи. — Тошкент, 1980.
7. *Тўхлиев Б.* Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» аса-ри. — Тошкент., 1991.
8. *Аҳмад Яссавий.* Ҳикматлар — Тошкент, 1991.
9. *Семёнов А.А.* Очерки исторической науки в СССР. В: П. I. — М., 1955.
10. *Қосимова О.* Ўзбекистонда кутубхоначилик тарихи. — Тошкент, 1992.
11. *Х. Вамбери.* Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. — Тошкент, 1990.
12. Ўзбек адабиёти тарихи. — Тошкент, 1977.
13. Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат. — Тошкент, 2006.
14. Фалсафа. Қомусий луғат. — Тошкент, 2004.
15. Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. — Тошкент, 2001.
16. История коллективизации в союзных республиках. — М., 1969.
17. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. — Тошкент, 2000.
18. *Абдураҳмонова Ж.* Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда таълим соҳасидаги қатагонлик сиёсати. — Тошкент, 2002.
19. *Узоқов Ҳ.* Ўзбекистонда мустақиллик учун кураш тарихи (1900—1940 йиллар). — Тошкент, 1996.

20. *Бобоев Х., Гофуров З.* Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимотлар тараққиёти. — Тошкент, 2001.
21. *Раҳмонов А.* Турк хоқонлиги. — Тошкент, 1993.
22. *Беруний.* Танланган асарлар. 1 том. — Тошкент, 1963.
23. *Бахадиров Р.М.* Классификация наук и ее место в истории культуры мусульманского Востока (IX—XV вв.). — Тошкент, 1998.
24. *Тўхлиев Б.* Билим — эзгулик йўли. — Тошкент, 1990.
25. *Абдулла Авлоний.* Гулистон ёки ахлоқ. — Тошкент, 1967.
26. «Тарих ал-Хукама» ибн ал-Кифти — ценный источник по истории культуры Ближнего и Среднего Востока XII—XIII веков. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали. 1985, № 10. — 38-бет.
27. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 1969. № 8—9.
28. *Горженина С.* Странный археолог Кастанье. — «Звезда Востока», 1996, № 3.
29. «Правда Востока», 1991, 15-сентябрь.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
Маънавий баркамол инсон тарбияси.....	8
Жамиятда муносиб ўринга эга бўлиш масъулияти .....	18
Ёшлар маънавий эҳтиёжини шакллантириш зарурати .....	25
Ёшлар маънавий барқарорлигини таъминлашда ўзбек миллий-маданий меросининг ўрни .....	33
Ёшлар маънавиятини шакллантиришда тарихий хотиранинг ўрни .....	53
Ҳозирги замон дунёси ва шарқона ақл-идрок масаласи .....	65
Хулоса .....	73
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати .....	75

**А.А. Маврулов**

**МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ**

Муҳаррир *Л. Игамова*

Тех. муҳаррир *Т. Харитонова*

Бадий муҳаррир *Ҳ. Қутлуқов*

Мусахҳиҳ *С. Салохутдинова*

Компьютерда саҳифаловчи *Ф. Тугушева*

Босишга рухсат этилди 17.11.08. Қоғоз бичими 84×108<sup>1/32</sup>.  
Офсет усулида босилди. Шартли б.т. 4,2. Нашр т. 3,65.  
3 000 нусхада чоп этилди. Баҳоси шартнома асосида.  
Буюртма № 08-216

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

**Маврулов, Абдухалил.**

**М 13** Маънавий баркамол инсон тарбияси/А. Маврулов. —  
Тошкент: «O‘zbekiston», 2008. — 80-бет.

ISBN 978-9943-01-330-8

**ББК 87.77**